



МАҚСАД — ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ ИЛМИЙ АСОСЛАНГАН ВА ХАЛҚАРО ТАЖРИБАЛАРНИ ТАТБИҚ ҚИЛГАН ҲОЛДА РИВОЖЛАНТИРИШ

Президент Шавкат Мирзиёев 19 сентябрь куни қишлоқ хўжалигидаги ислохотлар ижросига оид тақдимот билан танишди.

Мамлакатимизда бу соҳанинг тармоқлари кўп ва катта салоҳиятга эга. Сўнгги йилларда пахтачилик, мева-сабзавотчилик, иссиқхона хўжалиги, қайта ишлаш sanoati каби кўплаб йўналишлар самарадорлик нуктани назардан ислоҳ қилинмоқда.

Юртимизда 136 та туманда 1 миллион гектардан зиёд ерда пахта етиштирилади. Ҳосилдорлигини ошириш мақсадида бу йил, одатдагиларига қўшимча, 42 та истиқболли ва 18 та хорижий навлар экилган. Жумладан, илк бор Хитой, Ҳиндистон ва Туркиядан олиб келинган навлар қарийб 100 минг гектарда етиштирилмоқда.

Шунингдек, янги тажрибалар сифатида 112 минг гектарга тиндирилган уруғ, 200 минг гектарга вилоятлараро ва туманлараро навлар алмашлаб экилди.

Мутасаддилар ушбу янгиликларнинг натижалари ва келгуси йил уни янада кенгайтириш режалари юзасидан ахборот берди. Давлатимиз раҳбари хориждан уруғ олиб келишда рақобат муҳитини яратиш, пахта етиштириш агротехникасини ҳам ривожлантириш зарурлигини таъкидлади.

Қишлоқ хўжалигидаги ҳосилдорлик, биринчи навбатда, уруққа боғлиқ. Лекин кўп фермерлар уруғлик учун устамани кам тўлашни ўйлаб, паст авлодди уруғ экяпти. Янги уруғ навини синовдан ўтказиб, давлат реестрига киритишга эса 5 йил кетяпти. Илгор тажрибада бирламчи уруғчиликни хусусий элита хўжаликлари амалга оширади.

Шу боис, навларни синашнинг янги тизими жорий қилиниши белгиланди. Унга кўра, 31 та элита уруғчилик хўжалиги ва 6 та уруғлик тайёрлаш цехидаги давлат улуши оммавий савдоларга чиқарилади. 46 та уруғчилик корхонаси бирлаштирилиб, ҳудудларда 13 та замонавий корхона ташкил этилади. Янги уруғлар 2 йилда экишга жорий қилинади.

Соҳадаги яна бир катта йўналиш боғдорчилик ва узумчилик. Мамлакатимизда 266 минг гектар боғ ва 132 минг гектар тоқзор бор. Лекин бу унумдор табиатимизга яраша эмас. Ҳудудларда яхши фойдаланилмаётган ерлар, бўш адирлар талайгина.

Энди бундай ерларда мевали боғлар, жумладан, узумзор ва олмазорлар барпо этишнинг янги тизими жорий қилинади.

Яъни Агросаноат мажмуи ва озиқ-овқат таъминоти соҳасидаги лойиҳаларни амалга ошириш агентлиги ҳудудларнинг ихтисослашуви ҳамда тупроқ-иқлим шароитини инобатга олиб, лойиҳаларнинг техник иқтисодий асосларини ишлаб чиқади. Ерни тайёрлаш, кўчат олиш, экиш ва сугориш тизимлари ўрнатиш ҳамда боғ ҳосилга киргунча 3 йил парваришлаш учун имтиёзли кредитлар ажратилади. Янги ташкил этилган саноатлашган боғларга 100 фоиз замонавий сув тежовчи технологиялар ўрнатилади.

Шунингдек, бундай лойиҳаларга ер ажратиш тизими ҳам ўзгаради. Маҳаллий ҳокимлар ҳосилдорлиги паст ерлар

ўрнида боғ барпо этиш бўйича таклиф киритади. Улар очиқ электрон танлов асосида 30 йил мuddатгача ижарага берилади.

Президентимиз боғ ва тоқзорларни саноатлашган тарзда барпо этиш муҳимлигини айтди.

— Асосий мақсадимиз қишлоқ хўжалигини илмий асосланган, БМТнинг Озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги ташкилотининг энг яхши тажрибаларини татбиқ қилган ҳолда ривожлантириш, — деди Шавкат Мирзиёев.

Тақдиримизда иссиқхона хўжаликлари ҳам самарали фойдаланиш, уларни электр энергияси, табиий газ ва айланма маблағ билан таъминлаш масалаларига ҳам тўхталиб ўтилди.

Бугунги кунда сувни тежаш — долзарб масала. Ҳудудларда 732 минг гектар пахта ва галла майдони ички насос агрегатлари орқали сугорилмоқда. Уларнинг 41 фоизда энергия истеъмоли юқори.

Шу боис, пахта ва галла етиштирувчилар ихтиёридаги насосларни модернизация қилиш учун бир марталик субсидия ажратилиши йўлга қўйиш таклифи билдирилди. Бу орқали электр энергияси сарфи ва сугориш вақтини 60 фоизгача камайтиришга, пировард натижада маҳсулот таннарини пасайтиришга эришилади.

Давлатимиз раҳбари бу таклифларни маъқуллаб, уларни тақомиллаштириш бўйича қўшимча кўрсатмалар берди.

ЎЗА

АТРОФ-МУҲИТ МУСАФФОЛИГИ ВА ТУРИЗМ ХИЗМАТЛАРИ — САЙЁҲЛАРНИ “ЧОРЛОВЧИ НУҚТА”

Президент Шавкат Мирзиёев 19 сентябрь куни атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва туризм соҳаларидаги таклифлар тақдироти билан танишди.

Ҳозирги кунда ҳавони мусатфо сақлаш, экологик ҳодисаларнинг таъсирини камайтириш тобора долзарб бўлиб бормоқда. Шу боис, бу борада иккита дастур ишлаб чиқилди.

Биринчиси — Чанг бўронларига қарши курашиш ва уларнинг оқибатларини юмшатиш бўйича 2024-2030 йилларга мўлжалланган миллий дастурдир. Бу ҳужжатда “Евро-4” стандартдан паст тоифадаги ёқилгини сотиш ва ундан фойдаланишни босқичма-босқич тўлиқ тақиқлаш назарда тутилади. Бунинг учун Бухоро ва Фарғона нефтини қайта ишлаш заводлари юқори сифатли ёқилги ишлаб чиқариш бўйича модернизация қилинади.

Иккинчиси — Тошкент шаҳрида атмосфера ҳавоси сифатини яхшилашга қаратилган чора-тадбирлар дастури бўлиб, унга кўра, келгуси 5 йилда пойтахтимиз ва унга туташ Тошкент вилояти туманларида 441 гектар “яшил белбоғ” ва боғлар ташкил қилинади.

Санитар тозалаш ишларини тартибга солиш мақсадида мавжуд марказ негизда Чикиндиларни бошқариш ва циркуляр иқтисодиётни ривожлантириш агентлигини тузиш таклиф этилмоқда. Санитар тозалаш корхоналарининг самарадорлик кўрсаткичларига қараб, учта тоифага ажратган ҳолда рейтинг тизими жорий қилинади.

Янги қуриладиган, баландлиги 12 метрдан ёки умумий майдони 500 квадрат метрдан ортиқ бўлган биноларни лойиҳалаштиришда унга туташ ҳудудларнинг камида 25 фоизини кўаламзорлаштириш талаби қўйилади. Шунингдек, атроф-муҳитга зарари кўп саноат

корхоналари ҳам “яшил белбоғ”лар барпо этиш мажбуриятини олади.

Экологик ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, бу борада жамоатчилик назоратини қучайтириш масалаларига ҳам эътибор қаратилди. Фаол ва жонқуяр инсонларни рағбатлантириш мақсадида “Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган эколог” фахрий унвонини таъсис этиш таклифи билдирилди.

Атроф-муҳит билан боғлиқ бўлган масалалар бўйича қарорлар қабул қилиш жараёнида жамоатчиликнинг ахборот олиш имконияти, иштироки ва одил судловга эришиш имконияти тўғрисидаги Орхус конвенциясига қўйилган масаласи кўриб чиқилди.

Мазмунрий жавобгарлик тўғрисидаги кодексга қўрилиш майдонларида атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш талабларига риоя қилмаслик бўйича модала киритиш мақсадида мувофиқлиги айтилди. Шунингдек, дарахтларни кесил ва қасддан қуритиш, дарё ўзанидан ноқонуний қум-шағал қазиб олиш, чиқиндиларни белгиланмаган жойларга ташлаш қабилар учун жарималарни ошириш ва қатъийлаштириш чоралари қўрилади.

Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 27 майдаги қарори билан республикада экологик маркировкалаш тизими жорий этилган. Энди ISO 14024 халқаро стандартига мувофиқ, “Yashil belgi” номи остида маҳсулот ва хизматларни ихтиёрий экологик маркировкалаш йўлга қўйилди. 2 минг 336 та хўжалик юртувчи субъектларда автоматик мониторинг станциялари, чанг-газ тозалаш ускуналари ва

сув тозалаш иншоотларини ўрнатиш бўйича тармоқ жадваллари тасдиқланади.

Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлиги ҳузурда жамоатчилик назорати остида бошқариладиган ва юридик шахс мақомига эга бўлмаган “Яшил хайрия жамғармаси” ташкил этилади. Электрон харид иловаларида “Яшил тўлов” ихтиёрий устама тури очилади.

Соҳадаги яна бир муаммо ёввойи ҳайвонларни асраш билан боғлиқ. Уларни ҳонадонларда боқиш ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солинмаган. Шу боис, энди ёввойи ҳайвонларни уй шароитида, цирк ва шапитоларда сақлаш ҳамда томошаларда фойдаланиш тақиқланади. Жисмоний шахслар ихтиёридаги ҳамда циркларда сақланувчи бундай жонзотлар ҳайвонот боғларидаги реабилитация марказларига, океанариумлар, питомник ва илмий-тадқиқот муассасаларига топширилиши белгиланмоқда.

Тақдиримизда табиий туризмни ривожлантириш чора-тадбирлари ҳам муҳофаза қилинди.

Шу мақсадда Ўзбекистон ва йўналишда Марказий Осиёнинг “чорловчи нуқтаси” сифатида тарғиб қилинади. “Табиий хизматлар меҳмондўстлиги” дастури амалга оширилади. Табиий ва соғломлаштириш муассасалари фаолияти рағбатлантирилиб, уларнинг ағона реестри ишга туширилади. Меҳмонхоналар каби юлдузли санаторийлар фаолияти йўлга қўйилади.

Давлатимиз раҳбари булар бўйича ҳужжат лойиҳаларини пухта ишлаб чиқиш ва ижросини самарали ташкил этиш бўйича кўрсатмалар берди.

ЎЗА

БУЮК ЎЗБЕК ЙЎЛИ

Камбағалликдан

ФАРОВОНЛИК САРИ

Тарихий жасорат

Камбағалликни қисқартириш... Бу жумла сўнгги тўрт йилда Президент Шавкат Мирзиёев энг кўп таъкидлаган сўзлар сирасига киради. Йиллар давомида ёпиқ мавзу бўлиб келган, “кам таъминланган”, “эҳтиёжманд” каби жумлалар билан ўзига хос тарзда ифодаланган камбағаллик даражаси 2020 йилда илк мартаба эътироф этилди.

Давлатимиз раҳбарининг мамлакатда камбағал одамлар қатлами борлигини очиқ-ойдин гапириши, аввало, тарихий жасорат эди. Чунки Президент бу билан бир вақтнинг ўзида муаммонни бартараф этиш бўйича катта масъулиятни зиммасига олди. Маълумотларга кўра, ўшанда 7,5 миллион ёки 23 фоиз аҳолининг даромади камбағаллик чегарасига етмасди...

Президентимиз раислигида 2020 йил 27 февраль куни тадбиркорликни ривожлантириш орқали камбағалликни қисқартиришга қаратилган чора-тадбирлар бўйича ўтказилган видеоселектор йиғилишида **“Бир оилادا машина ҳам, чорва ҳам бўлиши мумкин, лекин бир киши оғир касал бўлса, оила даромадининг камида 70 фоиз уни доволатишга кетади. Ҳўш, бундай**



оилани ўзига тўқ дейиш мумкинми? Президент сифатида мени одамларимизнинг овқатланиши, доволаниши, болаларини ўқитиши, кийинтириши каби ҳаётий эҳтиёжлари нима бўлгани, деган савол ҳар кун қийнади”

Тўғри, ҳар ким бу дунёда бахтли-саодатли яшашни хоҳлайди. Фаровон ҳаёт кечирсам, турмушимда кам-кўстим бўлмаса деб

орзу қилади, интилади. Бу табиий жараён. Аммо инсон оддий минимал яшаш шароитисиз бахт туғул, хотиржамликка ҳам эриша олмайди. “Қандай қилиб бўлмасин, қорнини тўйғазсам, эғнимни бутласам, бетоб онам, бемор отам, хаста боламга қандай қилиб дори олсам”, деган ўй-тавишлар гирдобда турмуш кечирадиганларни ҳаётдан рози инсонлар деб бўладими?

Ана шу огрикли масаланинг газак олиши бир неча омиларга боғлиқ. Улар орасида энг асосийси — **муаммоннинг яшириб келингани**. Оқибатда камбағаллик исканжаси ҳақиқатда камайиб қолмади ва остонамиздан бутунлай йўқ бўлиб кетмади. Шукрки, халқ билан мулоқотнинг самарали тизими ҳақиқий аҳволни кўзгудагидек намоён этди. Одамларнинг аслида қандай ҳаёт кечираётгани, уларнинг энг огрикли нуқталари ошкор бўлди.

Аслида, камбағаллик илдизи чуқур муаммо. Тўғри ёндашмай, унинг сабабларига етиб бормай, оилаларни қўллаб, рағбатлантирмай натижага эришиб бўлмайди. Кейинги йилларда юртимизда бу масалага ёндашув тубдан ўзгаргани, янги тизим яратилгани ва у доимий тақомиллашиб бораётгани реал рақамларда кўриниб турибди. Тарихан қисқа — атиги тўрт йил ичида 3,5 миллиондан зиёд ватандошимизнинг турмуш шароити яхшиланди. Камбағаллик даражаси 17 фоиздан 11 фоизга тушди.

Давоми 3-бетда

ОДИЛЬ РЕНО-БАССО: “БИРГАЛИКДАГИ САЪЙ-ҲАРАКАТЛАРИМИЗ ЎЗБЕКИСТОНГА ЙИЛЛИК ИНВЕСТИЦИЯЛАРНИ БОСҚИЧМА-БОСҚИЧ 1 МИЛЛАРД ЕВРОГА ЕТКАЗИШ ИМКОНИНИ БЕРАДИ”

Европа тикланиш ва тараққиёт банки президенти “Дунё” ахборот агентлигининг Ўзбекистон билан ҳамкорликнинг ҳолати ва истиқболларига оид саволларига жавоб берди

— Рено-Бассо хоним, ўтган йили Самарқандда Европа тикланиш ва тараққиёт банки (ЕТТБ) Бошқарувчилар кенгашининг навбатдаги йиллик йиғилиши бўлиб ўтди. Унинг натижалари ва ушбу тадбирнинг Ўзбекистон ва умуман, Марказий Осиё давлатлари билан ҳамкорликни ривожлантиришдаги аҳамиятини қандай баҳолайсиз?

— Тўғри таъкидлагингиз, Самарқанд шаҳрида бўлиб ўтган Бошқарувчилар кенгашининг 32-йиллик йиғилиши ва ЕТТБ бизнес-форуми биз ва минтақа учун 2023 йилнинг энг муҳим ва ҳаяжонли воқеаларидан бирига айланди. Охириги ўн йил

ичида Марказий Осиёдаги йирик тадбир ҳисобланган маъзур анжуман Ўзбекистоннинг ишбилармонлик муҳити ва инвестициявий жозибадорлигини намоиёш этишга хизмат қилди. Шунингдек, Қозғистон, Қирғизистон, Тожикистон ва Мўғлистон ҳукуматларининг юқори мартабали вакиллари билан алоқаларнинг устувор йўналишлари ва турли масалаларни муҳокама қилиш учун ажойиб имконият бўлди. Ушбу мамлакатларда амалга ошириладиган қатор лойиҳалар бўйича келишувлар имзолади.

Давоми 2-бетда

ТУРЛИ МАФКУРА ВА ЯНГИ ҲОЯЛАР РАҚОБАТИ

Ўз сайловолди дастурларини ишлаб чиқиш ва кенг жамоатчилик эътиборига ҳавола қилиш сайлов кампанияси давомида сиёсий партиялар фаолиятининг энг муҳим жиҳатларидан биридир. Пухта ишланган сайловолди дастури ва прагматик сиёсий платформага эга бўлмаган сиёсий партия ёки номзодлари сайловларда аҳолининг қўллаб-қувватловига эришолмайди.

Шу нуқтан назардан, жорий йил 27 октябрь куни Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва маҳаллий кенгашлар депутатлигига бўлиб ўтадиган сайловларда иштирок этишга қарор қилган сиёсий партияларнинг сайловолди дастури кўпчиликда қизиқиш уйғотиши тушунарли ҳолдир.

Маъзур сайловолди дастурларининг мафқуравий ва ғоявий мазмуни, мақсад ва вазифаларининг қиёсий таҳлили уларнинг умумий аҳамиятга эга муштарак жиҳатларини, шунингдек, ҳар бир партиянинг ўзига хос мафқуравий-ғоявий қарашларини ажратиш кўрсатиш имконини беради.

Давоми 4-бетда

ОДИЛЬ РЕНО-БАССО: “БИРГАЛИКДАГИ САЎЙ-ҲАРАКАТЛАРИМИЗ ЎЗБЕКИСТОНГА ЙИЛЛИК ИНВЕСТИЦИЯЛАРНИ БОСҚИЧМА-БОСҚИЧ 1 МИЛЛАРД ЕВРОГА ЕТКАЗИШ ИМКОНИНИ БЕРАДИ”

Бошланиши 1-бетда

Марказий Осиёдаги миллий ҳокимият органлари билан яхши ҳамкорлик даражаси ва яхшиланаётган инвестициявий муҳит ЕТТБга 2023 йилда минтақадаги 100 дан ортиқ лойиҳаларга 1,2 миллиард евродан (1,3 миллиард АҚШ доллари) ортиқ инвестиция киритиш имконини берди. Улар минтақанинг барқарор ва инклюзив ривожланишига хизмат қилади. Банк қайта тикланадиган энергетика, кичик ва ўрта бизнесни ривожлантириш, барқарор инфратузилма каби соҳалардаги лойиҳаларни молиялаштирган. Мазкур лойиҳаларнинг 70 фоиздан ортиги хусусий сектор ҳиссасига тўғри келади. Ушбу лойиҳалар биргаликда минтақадаги CO₂ чиқиндиларини 1,87 миллион тоннага камайтиради. Шунингдек, 2024 йилнинг ўтган даврида ЕТТБ 74 та лойиҳа орқали Марказий Осиёга 1,25 миллиард евро миқдоридан инвестиция киритди.

— Ўзбекистон бир неча бор ЕТТБ инвестицияларини жалб қилиш бўйича етакчи давлат бўлди. ЕТТБнинг аввалиги президенти Сума Чакрабарти Президент Шавкат Мирзиёевнинг иқтисодий ривожланиш, самарали бошқарув ва халқаро ҳамкорлик масалалари бўйича маслаҳатчиси лавозимига тайинланди. Албатта, бу мулоқотнинг самарали ривожланишига катта ҳисса қўшади ва шу билан бирга, Ўзбекистон банкнинг минтақадаги истиқболли шерикларидан бири бўлиб қолаётганидан далолатдир. Мамлакатда ижтимоий-иқтисодий ислохотлар ортага қайтмас тус олиб, салмоқли натижалар ажқол кўриниб турган бугунги кунда ҳамкорликни янада ривожлантириш истиқболларини қандай баҳолайсиз?

— 2023 йилда Ўзбекистон 700 миллион евродан (760 миллион АҚШ доллари) ортиқ маблағ жалб қилиб, тўртинчи



йил қаторасига ЕТТБнинг минтақада етакчи маблағ олувчиси сифатидаги ўрнини сақлаб қолди. ЕТТБ қайта тикланадиган энергия манбаларидан тортиб, барқарор инфратузилмагача бўлган соҳаларда 27 та лойиҳани молиялаштирди. Уларнинг 69 фоизи хусусий секторда амалга оширилган. 2024 йил бошида ЕТТБ Бошқарувчилар кенгаши Ўзбекистон бўйича 2029 йилгача банкнинг мамлакатдаги устувор йўналишларини белгилаб берувчи янги Стратегияни тасдиқлади. Банкнинг операцияларга стратегик ёндашуви қуйидаги учта йўналишдаги фаолиятга асосланади:

— декарбонизацияни қўллаб-қувватлаш, сув самарадорлигини ошириш ва тоза энергия;

— хусусий секторни ривожлантириш ва аҳоли бандлигини рағбатлантириш, малака ошириш, инклюзивлик ва рақамли технологияларга ўтиш;

— иқтисодий бошқарув, ишбилармонлик муҳити ва инфратузилма имкониятларини яхшилаш.

ЕТТБ ва Ўзбекистон ҳукумати 2050 йилгача мамлакатнинг энергетика соҳасида углерод нейтраллигига эришиш режасини қўллаб-қувватлайдиган узоқ муддатли декарбонизация стратегиясини ишлаб чиқмоқда. Банк метан чиқиндиларини камайтириш бўйича миллий дастурини ишлаб чиқишга ҳам кўмаклашяпти. ЕТТБ Ўзбекистоннинг 2030 йилгача 25 ГВт. қайта тикланадиган энергия манбаларига эга бўлиш мақсадини қўллаб-қувватлаш учун кўпроқ лойиҳаларни қўллаб-қувватлайди ва молиялаштиради.

2024 йилда банк халқаро ишлаб чиқарувчи, инвестор, электр станциялари ва туз-сизланган сув иншоотларининг ҳаммуалифи ва оператори бўлган “ACWA Power” компанияси томонидан ишлаб чиқилган Ўзбекистонда қайта тикланадиган энергия

манбалари бўйича иккита муҳим лойиҳани молиялаштирди. Гап Тошкент вилоятида ЕТТБ томонидан қўллаб-қувватланган электр энергиясини сақлаш тизимларини яратиш бўйича энг йирик лойиҳалардан бири ва қайта тикланадиган водород ишлаб чиқариш бўйича биринчи заводи ҳақида бормоқда. Биринчиси ўзгарувчан қайта тикланадиган энергия манбаларини тармоққа ишончли улашни таъминлайди, иккинчиси эса ўнгит ишлаб чиқаришни карбонсизлантиришга ёрдам беради.

Мамлакатингиз ва ЕТТБ яқинда банк томонидан 10 миллион еврогача бўлган суверен кредит ҳисобидан қўллаб-қувватланган Ўзбекистонда давлат-хусусий шериклик лойиҳаларини ишлаб чиқиш жамғармасини ташкил этди. Бу мамлакатда давлат-хусусий шериклик лойиҳаларини ривожлантиришга ёрдам беради. Ўз навбатида, мазкур жамғарма 2030 йилга бориб, Ўзбекистоннинг асосий устувор йўналишларидан бири сифатида белгиланган 30 миллиард долларлик давлат-хусусий шериклик лойиҳасини ишлаб чиқишга ҳисса қўшади.

Маълумки, мамлакат иқлим ўзгаришидан жиддий зарар кўраётир. ЕТТБ Ўзбекистонга сув танқислиги, тупроқ деградацияси ва бошқа долзарб экологик муаммоларни ҳал қилишда ёрдам бермоқда. Жумладан, биз Фарғона водийсини сув билан таъминлаш бўйича йирик лойиҳани қўллаб-қувватладик ва бутун мамлакат бўйлаб бошқа шунга ўхшаш лойиҳаларни, хусусан, сугориш тармоқларини модернизация қилиш ва яхшилаш бўйича ишларни таҳлил қилаямиз.

Ушбу режалар Ўзбекистонга йиллик инвестициялар ҳозирги даражадан босқичма-босқич тахминан 1 миллиард еврогача ошириш имконини беради.

— Май ойи бошида муваффақиятли ўтган учинчи Тошкент халқаро инвестиция форумида қатнашдингиз. Ўзбекистон

иқтисодий ривожланишининг ҳозирги модели ва мамлакат иқтисодий сиёсатини қандай баҳолайсиз?

— ЕТТБ Тошкент халқаро инвестиция форумининг доимий иштирокчиси ва Ўзбекистон хорижий инвесторлар кенгаши ҳамраиси ҳисобланади. Менимча, бу икки воқеанинг бир вақтда содир бўлиши манتيкийдир. Хорижий инвесторлар кенгаши чет эллик сармоядорлар ва Ўзбекистон ҳукумати ўртасидаги мулоқот учун муҳим платформа бўлиб хизмат қилмоқда. Президент Шавкат Мирзиёев Жаноби Олийлари томонидан миллий стратегик устувор вази-фа сифатида белгилаб берилган мамлакатда ишбилармонлик муҳитини яхшилашга катта эътибор қараятимиз. Тошкент халқаро инвестиция форумига келган хорижий инвесторлар сони йилдан йилга тобора ортиб бораётгани мамлакат тўғри йўлдан оидмлаётганидан далолатдир.

Макроиктисодий прогнозларимизга келсак, биз уларни йилга икки марта эълон қиламиз. Ўзбекистон ва минтақа бўйича навбатдаги прогноз эса сентябрь охири – октябрь бошида эълон қилиниши керак. 2024 йил май ойида эълон қилинган прогнозга асосланиб айтишим мумкинки, иқтисодиёт 2024 йилда 6 фоизга ва 2025 йилда 6,0 фоизга ўсishi кутилмоқда, бунда асосий инвестициялар ва соф экспорт кучли ҳисса қўшади. Хусусийлаштириш ва бозор ислохотлари тўғрисида тўғри хорижий инвестицияларни жалб қилиш орқали истиқболларни мустаҳкамлаш мумкин. Тахминимизча, амалга оширилаётган тариф ислохотлари энергия субсидияларини камайтиришга ёрдам беради, бу эса давлат харажатлари ЯИМнинг 1,5 фоиз пунктига қисқаришига олиб келади. Бошқа томондан, тараққиёт энергия ва сув танқислиги сабабли чекланиши мумкин.

— Ўзбекистонда бир неча бор бўлгансиз ва давлатимиз раҳбари билан учрашгансиз. Шу ўринда юртимиз ва ушбу

учрашувлардаги таассуротларингиз ҳақида тўхталсангиз. Ўзбекистон сизда қандай таассурот қолдирди?

— Ўзбекистонга мунтазам ташриф буюраман ва ҳар гал бу ерга келганимда Президент Шавкат Мирзиёев Жаноби Олийлари қабулида бўламан. Ўтган йиллар давомида биз Президент ҳамда Вазирлар Маҳкамаси билан жуда яхши ҳамкорлик қилдик ва бу муносабатлар узоқ йиллар давомида шу тарзда давом этаверсин.

ЕТТБнинг Ўзбекистондаги кейинги йиллардаги фаолияти натижалари биргаликдаги ҳамкорлигимизнинг ёрқин саҳифасидир. Бизнинг Ўзбекистон билан муносабатларимизни яхши шериклик намунаси деб аташ ҳам мумкин. Бу замонaviй дунё турли геосиёсий иқтисодий форумига келган хорижий инвесторлар сони йилдан йилга тобора ортиб бораётгани мамлакат тўғри йўлдан оидмлаётганидан далолатдир.

Маълумки, мамлакат иқлим ўзгаришидан жиддий зарар кўраётир. ЕТТБ Ўзбекистонга сув танқислиги, тупроқ деградацияси ва бошқа долзарб экологик муаммоларни ҳал қилишда ёрдам бермоқда. Жумладан, биз Фарғона водийсини сув билан таъминлаш бўйича йирик лойиҳани қўллаб-қувватладик ва бутун мамлакат бўйлаб бошқа шунга ўхшаш лойиҳаларни, хусусан, сугориш тармоқларини модернизация қилиш ва яхшилаш бўйича ишларни таҳлил қилаямиз.

Ушбу режалар Ўзбекистонга йиллик инвестициялар ҳозирги даражадан босқичма-босқич тахминан 1 миллиард еврогача ошириш имконини беради.

— Май ойи бошида муваффақиятли ўтган учинчи Тошкент халқаро инвестиция форумида қатнашдингиз. Ўзбекистон

“Дунё” АА

Лондон

Инвестиция ЭНДИ ХУДУДНИНГ САНОАТ ИМКОНИЯТИ ПАСТ ЭМАС

Ўзбекистон туманидаги “Кичик Тағоб” sanoat зонасида “For You” масъуляти чекланган жамияти томонидан тўғридан тўғри инвестиция киритиш орқали нефтни қайта ишлаш заводининг биринчи босқичи фойдаланишга топширилди. Умумий қиймати 3 миллион долларлик ушбу лойиҳа асосида йилига 50 минг тонна хомашё қайта ишланади. Бензин, дизель ва мазут маҳсулотлари ички бозордан ташқари Афғонистон, Тожикистон ва Қирғизистон давлатларига экспорт қилинади.

— Шу кунларда лойиҳанинг иккинчи босқичи доирасида ҳам амалий ишларга киришилди, — дейди корхона раҳбари Абдуманнон Холмиров. — Натижада ишлаб чиқариш қуввати икки баробарга оширилиб, пропан ва бутан газлари қайта ишланади.

Ўзбекистон туманида янги ишлаб чиқариш тармоқлари куриш, модернизация қилиш, sanoat ва хизмат кўрсатиш соҳаларини ривожлантириш мақсадида умумий қиймати 302,8 миллиард сўмлик 38 та истиқболли лойиҳани амалга ошириш бора-сида иш олиб бориляпти.

Бир неча йиллар аввал туман sanoat салоҳияти паст аграр ҳудудлар қаторида эди. Энди иш тутуми ўзгарди. Туман иқтисодиётига sanoatнинг янги кўринишлари, курилиш, тўқимачилик, нефть ва кимё

соҳалари кириб келди. Ҳисоб-китобларга кўра, шу кунга қадар умумий қиймати 50 миллион доллардан юқори бўлган янги лойиҳалар амалга оширилди.

— Туманимизни ишсизлик ва камбағалликдан холи ҳудудга айлантириш мақсадида 100 миллион доллардан ортиқ тўғридан тўғри хорижий инвестиция ва кредит маблағлари ўзлаштирилади, — дейди туман ҳокимининг инвестициялар, sanoat ва савдо масалалари бўйича ўринбосари Жаҳонгир Акрамов. — Жалб этилаётган инвестицияларнинг асосий қисми sanoat, қурилуш ва қайта ишланган

мевалар, курилуш материаллари, тўқимачилик, нефть, кимё ва бошқа турдаги маҳсулотлар ҳиссасига тўғри келади. Экспортчи корхоналар томонидан 30,3 миллион долларлик маҳсулот ташқи бозорга йўналтирилмоқда.

“Albus Sement Group” МЧЖда курилуш материаллари ишлаб чиқариш кластери



“Mariyam mebel” МЧЖ замонaviй турдаги мебеллар ишлаб чиқариш лойиҳасини амалга оширди. Янги тармоқ бошқа турдош корхоналардан Европа талабларига мос бўлган 2,5 минг метр квадрат уй-рўзгор буюмлари тайёрлай олади.

ташқил этиш лойиҳаси доирасида 38,3 миллион доллар хорижий кредит маблағлари ўзлаштирилди. “Shaffof Sement Sanoat” МЧЖнинг маҳаллий хомашёлардан цемент ишлаб чиқаришнинг кенгайтириш, “Forus Capital Invest” МЧЖнинг гипс тайёрлаш, “Sanoat Energetika Guruh” МЧЖнинг автомобилларга замонaviй турдаги ёқилғи қуйиш шохбосчаси куриш ҳамда “Шўрсув” МФЙда мавжуд тоғли ерларда нефть қидириш ишлари доирасида янги инвестицияларнинг жалб этилиши ҳисобига мингта яқин янги иш ўрни яратилмоқда.

хомашёдан йилига 17 миллион метр квадрат гипсокартон листлари ҳамда 40 минг тонна куруқ курилуш аралашмалари ишлаб чиқарилмоқда.

Бундан ташқари, истиқболли дастурлар доирасида қўшимча 70 минг тонна гипс ҳамда шунча миқдорда куруқ курилуш аралашмалари ишлаб чиқариш қувватлари шакллантириляпти. Бунинг ҳисобига 80 дан ортиқ янги иш ўрни яратилади.

Эътиборли жиҳатлардан яна бири, “Knauf” компанияси ўзининг хусусий ўқув марказлари, олий таълим муассасалари ва касб-хунар коллежлари билан ҳамкорликда малакали мутахассислар тайёрлашни ҳам йўлга қўйган.

Пахта хомашёсидан тайёр ва ярим тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқариш туман иқтисодиётининг асосий драйверларидан

бирига айланиб бормоқда. Хусусан, Сулаймон ва Ўрта қишлоқ маҳаллаларида аҳоли бандлигини, фаровонлигини таъминлаш борасида амалга оширилаётган ишлар кўпга ибратли.

— Трикотаж маҳсулотлари ишлаб чиқариш маҳалламизнинг “ўсиш нуқтаси”га айланган, — дейди “Сулаймон” маҳалла фуқаролар йиғини раиси Рўзиматжон Ваҳобов. — Ҳозирги кунда бу йўналишда 40 дан ортиқ ишлаб чиқариш ва оилавий корхоналар фаолият юритмоқда. Шу йилнинг ўзига лойиҳа қиймати 600 миллион сўм бўлган “Бекзод текстиль”, “Аной пайпоқлари” хусусий корхоналари ташқил қилиниб, 100 га яқин янги иш ўрни яратилди.

“Yulbars Tex” ички ва ташқи бозорда ўз брендига эга бўлган sanoat корхоналари сирасига киради. Хунаремандлар маркази қошида иш бошлаган корхона фаолияти кундан кунга кенгайиб бормоқда. Шу кунга қадар 200 га яқин янги иш ўрни яратилди. Маҳсулотнинг асосий қисми экспорт қилиняпти.

“Bulut textile” МЧЖ томонидан лойиҳалаштирилган тикувчилик цехи, маиший хизмат ва савдо шохбосчаларини ташқил этиш йўналишларида 130 нафар ёш кафолатли иш ўринлари билан таъминланди.

“Mariyam mebel” МЧЖ замонaviй турдаги мебеллар ишлаб чиқариш лойиҳасини амалга оширди. Янги тармоқ бошқа турдош корхоналардан Европа талабларига мос бўлган 2,5 минг метр квадрат уй-рўзгор буюмлари тайёрлай олади.

— Бир неча йилдики, Россиядаги мебелчилик корхоналарида ишлаб келаятганим, — дейди Каримдевонова қишлоғида яшовчи Муҳриддин Ёқубов. — Уйимизга яқин ҳудудда замонaviй корхона курилуши айна муддао бўлди. Шу ерга ишга таклиф қилишди, рози бўлдим. Узоққа бориш шарт эмас, меҳнатимизга яраша даромад олятимиз.

Полипропилен қоп ишлаб чиқаришга ихтисослашган янги корхона туман sanoat салоҳиятини ошириш, маҳсулот турларини кўпайтириш имкониятини бераётгани билан ажралиб туради. Корхона ишга туширилгач, шу кунга қадар четдан импорт қилинаётган маҳсулотлар маҳаллий шароитда тайёрлаб бошланди. “Цемент хомашё савдоси” МЧЖ қошида ташқил этилган мазкур корхона йилига 36 миллион донадан ортиқ замонaviй полипропилен қоплари тайёрлаш қувватига эга.

— Бундай қоплар мустаҳкам полипропилен хомашёси ва илгирдан тайёрлангани бонс, sanoat маҳсулотларини қадоқлашда яхши самара беради, — дейди корхона раҳбари Орифхон Маҳмудов. — Бу ерда умумий қиймати 2,5 миллион долларлик замонaviй дастохлар ўрнатилиб, дастлабки босқичда 100 та иш ўрни яратилди. Келгусида буни икки ҳисса ошириш чоралари белгиланган.

Соҳа ривожига хизмат қилаётган сармоялар миқдорининг ошиб бориши, нафақат ишлаб чиқариш ҳажми, балки экспорт салмоғини оширишда қўл келаятгани билан аҳамиятли. Бугунга келиб, ташқи иқтисодий фаолият турлари билан шуғулланаётган тадбиркорлик субъектлари сони 12 тага етди. Йил якунига қадар бу йўналишда яна 10 та корхона томонидан 47,5 миллион доллардан бўлган тўғридан тўғри хорижий инвестиция маблағлари ўзлаштирилади.

Мавжуд салоҳият, имтиёз ва имкониятлардан самарали фойдаланиш чекка ҳудудларда аҳоли бандлигини таъминлаш, фаровонлигини оширишга хизмат қилаётгани билан эътиборни тортади.

Расулжон КАМОЛОВ, “Янги Ўзбекистон” муҳбири



Шероҳ Қорбобоев олган суратлар.



Камбағалликдан фаровонлик сари

Камбағаллик мезони нима?

2021 йилгача Ўзбекистонда камбағаллик чегараси ҳисоблаб чиқилмаган. Бу чегара бутун дунёда ҳар хил ўлчанади. Қаердадир нисбий, қаердадир абсолют кўрсаткичлар. Ўзбекистонда биринчи марта аҳолини истеъмолдаги хусусиятлари борасида сўровномалар, тадқиқотлар ўтказилди.

Яхши калорияли овқат ейиш, тиббий хизмат олиш ва бошқа хизматларга эҳтиёжлар ҳисобланиб, “минимал истеъмол харажатлари” деган тушунча ишлаб чиқилди. Бу жараёнда халқаро меъёрлар асосида чўқур ва ҳар томонлама комплекс изланишлар олиб борилди, “камбағаллик” тушунчаси, уни аниқлаш мезонлари ва баҳолаш услубларини қамраб олган янги методология яратилди. Унга кўра, мамлакат тарихида илк мартаба камбағаллик чегараси — минимал истеъмол харажатлари миқдори белгиланди.

Ўзбекистондаги минимал истеъмол харажатлари миқдори 2021 йилда 440 минг сўм, 2022 йил январидан бошлаб 498 минг сўм этиб белгиланганди. Кейинчалик бу миқдор 2023 йил июль ойида 568 минг сўмга, 2024 йилнинг январида 621 минг сўм, май ойидан 648 минг сўмгача оширилди.

Бу миқдор оилаларнинг соғлом ҳаёт кечириши учун зарур маҳсулот ҳамда хизматлар учун минимал харажатларнинг ҳисобланган қиймати саналади. Ундан камбағаллик мезони ёки чегараси сифатида фойдаланилади. “Ижтимоий ҳимоя ягона реестри” ахборот тизими орқали оилани кам таъминланган деб эътироф этиш жараёнида қўлланиладиган ва жон бошига тўғри келадиган бир ойлик даромад мезони минимал истеъмол харажатларига тенглаштирилади.

Хитой камбағаллики қандай қисқартирганди?

2000 йилларда Хитойда аҳолининг ярмидан кўпи камбағал бўлган. Яъни одамларнинг топан пули фақат озик-овқатига етган. Орадан йилгирма йил ўтти, анкироғи, 2021 йилда Хитой дунё мамлакатлари ичида биринчилардан бўлиб камбағаллик устидан тўлиқ ғалаба қозonganини эълон қилди.

Хўш, қандай қилиб тарихан қисқа фурсат ичида бундай мўъжиза юз берди? Олимларнинг таъкидлашича, Хитойда, биринчи навбатда, хусусий секторга, яъни тадбиркорларга устуворлик берилган. Давлат компаниялари сонин кескин камайтирилиб, хусусийлаштирилган. Натижада аҳолининг бандлиги ҳамда давлатнинг барқарор иқтисодий ўсиши таъминланган.

Иккинчидан, Хитойнинг шарқий қисми денгиз ҳудуди бўлиб, марказий ва ғарбий қисми чўлдан иборат. Иқтисодий ўсиш шунини кўрсатдики, ривожланган ҳудудларда яшовчи аҳоли кўпроқ даромад кўраверган, чекка жойлардаги аҳоли камбағал бўлиб қолверган. Хитой ҳукумати тўғри ижтимоий адолатли қарор қабул қилган: бойиб кетадиган ҳудудлардан олинган соликлар давлат субсидияси воситасида камбағал ҳудудларга берилган. Бу жамиятдаги адолатсизлик, яъни тенгсизликни йўқотишга хизмат қилган. Тасаввур қилинг, Ўзбекистонда айрим вилоятлар бойиб кетаверса-да, айрим ҳудудлар аҳоли кўп бўлса ҳам камбағаллашиб бораверса, бу, албатта, давлатнинг мақсадларига мос келмайди.

Учинчи омил, узоқ ва чекка қишлоқларда яшаётган аҳоли замонавий ахборот коммуникация технологияларидан фойдалана олиши таъминланган. Тасаввур қилинг, Хитойдаги 63 ёшли фермер ўз томорқасида қулпунай ўстиради. Ва мавсуми келганда қишлоқларда яратилган пунктларга ўз маҳсулотини сотиш учун интернетга қўя олади. Яъни у бозорга бориб қўйналмасдан, воситачиларга овора бўлмасдан ўз маҳсулотини тўғридан тўғри сотиб даромад кўради.

Хитойда иккита асос ва учта қафолат (“2+3”) тизими асосида одамларга муносиб турмуш тарзи яратилиб, қашшоқликдан қўқарилди. Яъни қишлоқ камбағаллари **озик-овқат ва кийим-кечак** ташвишидан қуттиди, **мажбурий таълим, асосий тиббий ёрдам ва хавфсиз уй-жойдан фойдаланиш** имкониятига эга бўлди. Булар Чин юртида қашшоқликни камайтиришнинг муҳим талаблари ва асосий кўрсаткичларидир. Шунинг учун бу мамлакатда 5 та қафолатга эга бўлган шахс нафақат ўзи, балки авлодини ҳам камбағалликдан чиқариши учун асос шакллантирган.

Бу тажрибани Ўзбекистон миқёсида қўллаш бўйича тизимли ишлар, меъёрий ҳужжатлар, йўл хариталари, стратегиялар ишлаб чиқилмоқда. Хусусан, мамлакатимизда бутунги кунда ижтимоий ҳимояга муҳтож, кам таъминланган, камбағал қатламга имтиёзли кредитлар, субсидиялар ажратилмоқда. Камбағаллик даражаси юқори бўлган қишлоқларга вазирилик ва идораларни бириктириш орқали муҳтожларга қўмаклашиш тизими яратилди, томорқачиликни ривожлантиришга эътибор қучайтирилди.

Қаҳрамон ҚУРОНБОВЕВ, Ўзбекистон маҳаллалари уюмчаси раиси, сиёсий фанлар доктори, профессор



Ишбилармонлик жадал қўллаб-қувватланди

“Ҳамма била бекорчиликдан келиб чиқади”, дейди халқимиз. Бу — иллатларнинг урчишига ишора. Худди шундай, камбағаллики ҳам келтириб чиқарувчи омилар бор. Шулардан энг биринчиси — ишсизлик ва боқимандалик!

Олимлар камбағалликини бартараф этишнинг тўғри ва энг самарали усули — аҳоли бандлиги даражасини ошириш деб ҳисоблайди. Одамлар учун уларга муносиб ва даромадли юқори иш ўринларини яратиш мақсад сари дадил қадамдир. Бунинг учун қишлоқ жойларда тадбиркорликка шарт-шароитлар, бизнестга қулай муҳит яратиш керак. Президентимиз табири билан айтганда, камбағалликини камайтириш бу — аҳолида тадбиркорлик руҳини уйғотиш, инсоннинг ички куч-қуввати ва салоҳиятини тўлиқ рўёбга чиқариш, янги иш ўринлари яратиш бўйича комплекс иқтисодий, ижтимоий сиёсатини амалга ошириш, демакдир.

Камбағалликини фақат пул тарқатиш, нафақа тўлаш билан ҳал қилиб бўлмайди. Бунинг учун камбағал оила аъзоларини ўқитиш, касбга ўргатиш ва иш билан таъминлаш муҳим. Ҳозирда камбағал оилаларнинг 35 фоиз ишга лаёқатли аъзоларида билим ва кўникма кам. Яна айримлари сурункали касалликлар туфайли тайинли ишлаш олмаётти. Камбағал оилаларнинг 83 фоизда томорқа бор, лекин сув, электр ва йўл билан боғлиқ муаммолар қийинчилик туғдираётти.

Камбағалликини камайтиришнинг бирдан-бир тўғри ечими — тадбиркорга шaroит яратиш, улар билан манфаатли ҳамкорлик қилиш. Бу орқали ҳам бандлигини таъминлаш, ҳам малакали мутахасссларни тайёрлаш мумкин. Шу мақсадда “**20 минг тадбиркор — 500 минг малакали мутахассс**” дастури ҳаётга татбиқ этилди. Дастур маблаглари ҳисобидан тадбиркорга камбағал оилалар аъзосини касбга ўқитиб, ишли қилишига қараб, амалдангидан паст фoизларда ва узоқроқ муддатга кредит берилди.

Натижадан кўп куттирмади. Дастур доирасида шу кунгача 6745 та тадбиркорлик субъекти билан 455 минг нафар аҳоли бандлигини таъминлаш бўйича ҳамкорлик шартномалари имзоланди. Маҳаллада камбағалликини қисқартириш, тадбиркорлик лoйиҳаларига 35 триллион сўм кам фoизли кредит, 7 триллион сўм субсидия қилибди. Қoлаверса, 800 минг аҳолига деҳқончилик қилиб, даромад топиши учун 260 минг гектар ер ажратилди.

Шунингдек, 472 мингта оилавий тадбиркорлик лoйиҳасига 10 триллион сўм имтиёзли кредит ва 73 минг нафар ишсиз фуқарога 356 миллиард сўмлик субсидия берилди. “Маҳаллабай” ишлаш асосида 51 мингта микролоийҳани амалга ошириш эвазига 206 мингта янги иш ўрни яратилди. 181 минг ишсиз фуқаро касб-хунарга ўқитилиб, 183,8 мингта янги тадбиркорлик субъекти ташкил этилди. “Индивидуал дастур”лар тузиш орқали 2023 йилда 208 минг оиланинг 873 минг аъзоси камбағалликдан чиқарилган бўлса, 2024 йилда камбағалликдан 150 минг оила чиқарилиши режалаштирилган.

Президентимиз раислигига жорий йил 11 сентябрь куни ўтказилган видеоселектор йиғилишида ушбу йўналишда мутасаддилар олдиға чунки вазифалар қўйилди. Бу бежиз эмас. Чунки камбағаллик даражаси пайсаян сари уни камайтириш мураккаблашиб боради. Шу бoис, бу бoрада кейинги йиллар учун “Камбағалликдан фаровонлик сарин” дастури тайёрланади.

Хўш, фаровонлик нима дегани? Айтиш керакки, бу тинимсиз изланиш, интилиш демакдир. Яшаш учун тўла-тўқис шарoитга эга бўлиш, имкониятларни юзага чиқариш, тинчлик-хотиржамликда умр кечириш, дегани. Фаровонликка ўз-ўзидан эришилмайди. Бунинг учун инсон ўзини қийнаши, ҳаракат қилиши, яхши ҳаёт учун имкониятлар излаши зарур.

Шунингдек, ҳар бир маҳалла тўлиқ хатловдан ўтказилиб, “**камбағал оилалар портрети**” ишлаб чиқилади. Ушбу дастур асосида иқтисодий комплекс оилаларни камбағалликдан олиб чиқиш билан шуғулланади.

Энди камбағалликини қисқартириш янгича ёндашув асосида олиб бoрилади. Республика бўйича 1000 та энг оғир маҳалла республика даражасидаги вазирилик ҳамда идоралардан 250 нафар раҳбар-ҳодим бириктирилади. Шунингдек, вилоятдан 2 минг нафар, туманлардан 12 минг нафар раҳбар-ҳодим энг оғир аҳволдаги 5 тадан оила билан ишлайди.

Ерни ижарага бeриш бoрасидаги ташаббуслар давом этади. Бу жараёнда 50 минг гектар ер майдони 100 мингта камбағал оиллага бўлиб бeрилади. Шу орқали 200 минг нафар камбағал оила аъзолари бандлиги таъминланади. Эътиборлиси, ерларни ижарага бeришда янги тартиб жoрий этилади. Унга кўра, камбағал оила ўз еридан ўзи фoйдаланиб, даромад олиши, экспортёр компанияларга ижара асосида бeриб, дивиденгта эга бўлиши мумкин. Шунингдек, компанияга ёланма ишчи сифатида қириб, маош орқали даромадини ошириши назарда тутилмоқда.

Камбағални ишли қилган тадбиркорга солиқ имтиёзи бор

Видеоселектор йиғилишида қайд этилганидек, икки йил аввал Президент фармони билан умумий оватланиш соҳасидаги тадбиркорларга ижтимоий солиқдан имтиёз бeрилган эди. Натижада қатор корхоналар Тошкент, Самарқанд ва Андижонда 2 минг одамни ишли қилди.

Шу имтиёз яна 2 йилга узайтириб бeрилса, тадбиркорлар яна ўн минглаб эҳтиёжманд аҳолини иш билан таъминлашга тайёр. Айрим корхоналар колл-марказ ташкил қилиб, ҳoзир-



нинг ўзида 2 минг нафар ногиронлиги бўлган аҳолига компьютер ва телефон олиб бeриш орқали уларни уйининг ўзида иш билан таъминламоқчи.

Камбағалликини камайтиришнинг энг муҳим йўлларида бири бу — тадбиркорликини қўллаб-қувватлаш. Ҳoзир саноатда энг кўп иш ўрни яратадиган соҳа — тўқимачилик. Тадбиркорлар тайёр трикотаж, бўялган мато ва газлама корхоналарига икки йил аввал ижтимоий солиқдан бeрилган имтиёзини узайтириб бeришни сўрамоқда. Агар корхоналар камбағал аҳолини банд қилса, ўша ишчиға ижтимоий солиқдан имтиёз яна уч йилга сақланиб қолади. Ушбу имтиёз нафақат тўқимачиликка, балки барча соҳадаги корхоналарга бeрилади. Бу орқали тўқимачилик, қурилиш материаллари, чарм-пoйабзал, электр техникаси, озик-овқат, чорвачилик ва қурилиш тoмoқларида юз минглаб камбағал аҳолининг бандлиги таъминланади.

“20 минг тадбиркор — 500 минг малакали мутахассс” дастурида иштирок этадиган тадбиркорларга солиқлардан алоҳида имтиёзлар бeрилади. Жумладан, камида 20 фoиз камбағал оила аъзосини бир йил давомида иш билан таъминласа, мол-мулк ва ер солиқларидан озoд қилинади. 5 миллион сўмгача иш ҳақи тўлаётган тадбиркорларга ижтимоий солиқ ставкаси 2 барoбар камайтирилади. Камбағал оила аъзоси ҳам даромад солиғидан озoд қилинади.



Камбағалликини қисқартириш умуммиллий ҳаракатга айланади

Энг асосийси, камбағалликини қисқартириш бoрасида қатор янги тизимлар ишга тушади. Мисол учун, аҳолининг тадбиркорлик билан шуғулланиши маҳаллалардаги шарт-шaroитга ҳам боғлиқ. Шу бoис, кeласи йили **маҳаллалар инфратузилмасини ривожлантиришга барча мабзалардан 1,6 миллиард доллар ажратилади.** Бунинг бир қисми, аввало, энг оғир 300 та маҳаллада сув насослари ва қуёш панеллари ўрнатишга бeрилади. Яна 500 та маҳаллада электр, йўл, интернет ва бошқа инфратузилма масалалари ҳал этилади.

2024-2025 йилларда одамлар ўзини ўзи банд қилиши, кичик ва ўрта тадбиркорлик билан шуғулланиши учун микрокредитлар ажратишга **10 триллион сўм** бeрилади. Камбағал оилаларга **30 миллион сўмгача** ускуна, кўча дўкон, мотороллер, скутер каби воситалар **5 йилда бўлиб тўлаш шарти билан** ажратилади.

Камбағал оила фарзандларига компьютер сотиб олиш учун **5 йилга, 2 йиллик имтиёз билан фoизсиз кредит** тақдим этилади.

Ҳар бир камбағал оиллада, айниқса, хотин-қизлар орасидан камида 1 нафар олий маълумотли бўлиши учун шaroит яратилади. Бу жараёнда олийгоҳ, коллеж ва техникум талабаларининг ўзлаштириш кўрсаткичи камида 80 фoиз бўлса, уларга кейинги ўқув йили учун фoизсиз таълим кредити бeрилади. Олийгоҳ, коллеж ёки техникумга қиришда грант учун етарли баллнинг 80 фoизини тўплаган камбағал оила фарзандларига кўшимча грант ажратилади. Бундан ташқари, молиявий мустақил бўлган олийгоҳларнинг ҳар бири йилига камида 1 миллиард сўмлик грант эълон қилади. Бу грантлар ҳисобидан фанларни ўзлаштиришдан кeлиб чиқиб, камбағал оила фарзандлари контрактнинг 20 фoиздан 80 фoизгача қисми қўқарилди.

Умуман олганда, Президентимиз қайд этганидек, “**Бундан бeн камбағалликини қисқартириш умуммиллий ҳаракатга айланади. Ҳукуматдан портрети, туман ташкилотига бeрача бўлибдан раҳбарларнинг кундалик иш оилаларни камбағалликдан олиб чиқиш бўлиши керак. Бу бoрада назорат ҳам, сўров ҳам қаттиқ бўлади**”.

Муаммолар маҳалланинг ўзида ҳал этиляпти

Президент топиригига асосан, аҳоли кайфиятига салбий таъсир қилувчи муаммоларни ўрганиш ва ҳал этиш бўйича ўзимга бириктирилган Қашқадарё, Сурхондарё, Жиззах ва Самарқанд вилоятларида ўрганишлар олиб бoридик.

Бу жараёнда **60 та туман ва шаҳар, 2987 та маҳаллада** аҳоли муаммоларини ҳал қилиш, “маҳалла еттиллиги” ҳамкорлигини қучайтириш, ёшлар билан ишлаш ва аҳоли бандлигини таъминлаш бўйича тизимли ишлар амалга оширилди. Хусусан, жорий йилнинг 8 ойи мобайнида “маҳалла еттиллиги” кўмағида доимий, мавсумий ва вақтинчалик ишларга жалб қилиш орқали **201 минг 549 нафар** фуқаронинг бандлиги таъминланди.

Шунингдек, тижорат банклари билан ҳамкорликда “Сайхунобод тажрибаси” асосида 149 минг 525 та янги иш ўрни яратилди. Хатловдан ўтказилган 2 миллион 994 минг 651 та оиладан

273 минг 339 таси камбағал оила бўлиб, жорий йилда уларнинг 109 минг 115 тасини камбағаллик даражасидан чиқариш белгиланди. Бугунгача 39 минг 690 та оила камбағалликдан чиқарилди, оилалардаги 275 минг 215 нафар ишсиз аҳолининг 204 минг 50 нафари ишли бўлди.

Шу билан бирга, ўрганишлар жараёнида 2987 та маҳалладаги 54 минг 941 та кўча ва 1 миллион 745 минг 400 хонадон ўрганилди. Унда 434 минг 11 та муаммо аниқланиб, 359 минг 788 таси ҳал этилди.

Йил якунига қадар ишсиз ва банд бўлмаган 96 минг 971 нафар, шунингдек, меҳнат бозориға қириб кeлаётган 69 минг 901 нафар, ҳарбий хизматдан қайтган 8700 нафар, миграциядан қайтиб кeлиши кутилаётган 56 минг 553 нафар фуқаронинг бандлигини таъминлаш чoралари қўрилади. 109 минг 738 та оилани камбағалликдан чиқариш орқали камбағаллик даражаси 10,5 фoиздан 8,3 фoизга қисқартирилади...

Видеоселектор йиғилишидаги топириққа асосан, Қашқадарё вилоятида бўлиб, бу бoрада амалга оширилоётган ишлар билан танишидик.

2024 йилнинг ўтган даврида вилоят бўйича 26,5 мингта оила камбағалликдан чиқарилди (**йил бошида 103,1 мингта бўлган**). Натижада камбағаллик даражаси **11,5 фoиздан 8,8 фoизга** туширилди. Йил якунига қадар вилоят бўйича 17 мингта оила камбағалликдан чиқарилиб, камбағаллик даражасини **7,3 фoизга** тушириш мақсад қилинган.

Бу бoрада 56 минг ишсиз фуқаронинг бандлиги таъминланади, 462 та маҳалла камбағалликдан холи ҳудудга айлантирилади. Микролоийҳалар асосида 39 минг 410 та, инвестиция лoйиҳалари орқали 1026 та, халқаро автомобиль йўллари бўйида хизмат кўрсатиш ва савдо объектлари ташкил этиш орқали 433 та янги иш ўрни яратилди.

Шунингдек, ҳудудда 103,1 мингта камбағал оиллага 132 нафар вилоят, 1282 нафар туман (шаҳар) ташкилот ва идора раҳбарлари камбағалликдан чиқариш бўйича бириктирилди. Камбағаллик даражаси энг юқори бўлган **Қамаши тумани** камбағалликдан холи ҳудудга айлантириш бўйича тажриба сифатида танлаб олинди. Туманда 8600 та камбағал оила ва уларнинг 36 минг 120 нафар аъзоси бўлиб, 19 минг 780 нафари ишсиз. Йил якунига қадар туман бўйича 5400 та оила камбағалликдан чиқарилиб, камбағаллик даражаси 12,5 фoиздан 9,5 фoизга туширилди.

Тумандаги ўрганишлар жараёнида **1452 та оила** хатловдан ўтказилиб, уларга **257 нафар** соҳабохти тадбиркор бириктирилди. Хусусан, тумандаги “Чим” МФЙда 295 та оила рўйхатга қиригилди. Шахсан ўзим шу маҳаллада бўлиб, фаоллар, маҳалла аҳолиси билан сўхбатлашдим, уларни қийнаётган масалаларга қулоқ тутдим.

Шу маҳаллада яшовчи битта оиланинг яшаш шарoити эътиборимни тoртиди. Оила бошлиғи — отаси вафoт этган. Катта фарзанднинг турмуши ўхшамай ота уйига қайтган. Аёлнинг уч фарзанди бор, улардан бирида ногиронлик аниқланган. Ўзида руҳий тушунулик ҳукмoн, фарзандлар кeлажагини ўйлаб қиқилади. Аёлнинг укаси ишсиз, унинг икки нафар фарзанди бор. “Маҳалла еттиллиги” билан дарҳол бу оилани назоратта олдик, улар билан ишлаш бўйича индивидуал дастур шакллантирилди. Аёлга психолог бириктирилди, ногиронлиги бор фарзандини поитахтда давoлатишчи учун йўланма бeрилд. Нoчор оиланинг турар жойи таъмирланипти, ишсиз оила аъзоси тумандаги қурилиш фирмасига ишга жойлаштирилди. Бу оиллага ҳудуддаги соҳабохти тадбиркор Азамат Чoриев бириктирилган. Унинг кўмағида сув насоси чиқарилиб, оиланинг обихoатга эҳтиёжи қондирилди.

Интилиш, изланиш, билмаганини ўрганиш вақти

Президентимиз раислигига ўтган йиғилишда кейинги йиллар учун “Камбағалликдан фаровонлик сари” дастури тайёрланаётгани айтиб ўтилди.

Хўш, фаровонлик нима дегани? Айтиш керакки, бу тинимсиз изланиш, интилиш демакдир. Яшаш учун тўла-тўқис шарoитга эга бўлиш, имкониятларни юзага чиқариш, тинчлик-хотиржамликда умр кечириш, дегани. Фаровонликка ўз-ўзидан эришилмайди. Бунинг учун инсон ўзини қийнаши, ҳаракат қилиши, яхши ҳаёт учун имкониятлар излаши зарур.

Шу маънода, камбағалликини қисқартиришдаги энг биринчи масала — инсонларнинг дунёқарашини ўзгартириш. Яъни одамларда бeрилоётган эркинлик ва амалга оширилоётган илоҳoтлардан кўпроқ фoйдаланиш истағи бўлиши керак. Таълим, тадбиркорлик ёки бошқа соҳаларда, энг аввало, мустақкам гоға ва ишонч муҳим.

Қoлаверса, камбағалликдан чиқиш учун меҳнатга яроқли аҳоли ўртасида яхши даромад олиш, яхши яшашга интилиш учун ҳаракатни шакллантириш керак. Бунинг учун давлат барча шарoитларни яратиш бeрди. Жамиятда барча учун тенг бўлган, ўз имкониятлари, истеъдoдини тўлиқ намoён қилишга кўмак бeрадиган тизим шакллантирилди.

Афсуски, шунча шарт-шaroит, имконият яратилаётган бўлса-да, ҳали-ҳамон боқимандалик кайфиятига бeрилган, “давлат менга ҳамма нарсани қилиш бeриши керак” деган қарашда яшаётган одамлар ҳам бор. Улар доимий ўқиш, ҳунар ўрганиш, малака ошириш ўрнига давлатнинг доимий ёрдамига ўрганиб қолгани, ташаббус кўрсаттишдан йироқлиги, умуман олганда, боқимандаликка бeрилгани айни ҳақиқат. Бундай тоифадаги шахслар давлатга “суяниб” қолмоқда.

Тажрибадан кeлиб чиқиб айтиш керакки, яхши яшаш учун, энг аввало, ҳаракат қилиш, боқимандалик кайфиятидан воз кeчиб, **меҳнатсиз ҳеч нарсасга эришиб бўлмаслигини** тушуниш лoзим. Камбағалликини фақат давлат кўмағи билан бартараф этиб бўлмайди.

Хўш, неча давлат бeради масалалар ечимини маҳаллага туширипти? Жавoби оддий: маҳалла кимнинг қандай шарoитда яшаётганини жуда яхши билади, демак, одамлар ўз муаммоси билан ўзи ёлғиз қилиб кeтмаслиги керак.

Нега давлат органлари, раҳбарлар маҳаллаларда хонадонма-хонадон юриб ўрганиш ишларини олиб бoришти? Мақсад битта: бутун одамлар қайсидир давлат органига кeлиб, муаммосини, дардини айтишини кутиб ўтирадиган вақт эмас.

Шунга яраша одамлар ҳам боқимандалик кайфиятидан чиқиши, ташаббус кўрсатиши, янги-янги гоғларини ўртасга ташлаши, илоҳoтлар жараёнига дахлдорлик ҳисси билан яшаш адолатдан бўлади, албатта. Аслида, бутун камбағалликини қисқартиришда одамлардан кўп нарсга талаб қилинаётгани йўқ. Ташаббус кўрсатиш, бeрилган имкониятлардан фoйдаланиш, янги-янги гоғларини ҳаётга татбиқ этиш керак, холос.

Бугун ҳаракат қилиш, билмаганини ўрганиш вақти. Давлат бунинг учун имтиёз ҳам, маблаг ҳам бeрапти, илм ўрганишига шaroит мукaссас. Шунчаки бeфарқ бўлмасак, яратилган имкониятлардан самарали фoйдалансак, уйимиз, кўчамиз, маҳалламиз ободлигига имкон қадар ҳисса қўшсак, томорқани бўш қўймасак, ҳар бир ишга уйғoқ фикр, теран тафаккур билан ёндашсак бас.

Либерал-демократик ва консерватив ғоялар

Ўзбекистон Либерал-демократик партиясининг сайловолди дастурида либерал-демократик хусусиятга молик, мамлакатимизни тенглар ичра тенг, қудратли, эркин ва фаровон давлатга айлантириш ғояси марказий нукта ҳисобланади. Партия бу ғоя атрофида Ўзбекистон Республикаси Президенти бошчилигида қисқа вақтда тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш, эҳтиёжмандларга қўмаклашиш, очиклик сиёсати юритиш, мамлакат иқтисодиёти ва халқаро нуфузини ошириш бўйича тарихий ислохотлар амалга оширилганини эътироф этгани ҳолда бу борадаги ишларни изчил ва қатъий давом эттириш жонажон мамлакатимизни юксалтиришнинг ягона тўғри йўли, яъни инсон манфаатлари устувор бўлган янги Ўзбекистонни барпо этиш мафкурасини илгари суради. Бу мафкура атрофида жамиятни бирлаштириш, иқтисодиётда давлат иштирокини кескин қисқартириш, давлат мулкани хусусийлаштириш орқали хусусий сектор улушини ошириш, монопол соҳаларни бозор тамойилларига ўтказиш ғояларининг устуворлиги кузатилади.



Сайфиддин ЖЎРАЕВ,
сиёсатшунослик фанлари доктори, профессор

Ўз навбатида, иқтисодиёт партия мафкурасининг асосий устувор йўналиши экани билан бошқаларидан фарқ қилади. Партия дастури иқтисодий ўсиш нукталарини қучайтириш, ислохотлар самарадорлигини оширишга олиб келадиган, ҳар бир фуқаро манфаати ҳисобга олинган иқтисодий сиёсатни мафкуравий таъминлашга қаратилгани билан аҳамиятлидир. Партия партиянинг сиёсий майдонда ўнг, ўнг марказчилигини тасдиқлайди.

Ўзбекистон Либерал-демократик партияси ва “Миллий тикланиш” демократик партиялари мафкураларидаги айрим ўхшаш жиҳатлар уларнинг сайловолди дастуруда ҳам ўз ифодасини топган. “Миллий тикланиш” демократик партиясининг миллий давлатчилигини мустаҳкамлашга қаратилган ғоялари ЎзЛиДеП ғояларига яқин, лекин қўйилган мақсадга эришиш йўллари, воситалари, бу йўналишда тўпланган тажриба, стратегик ва тактик жиҳатларда муайян фарқлар бор.

Масалан, “Миллий тикланиш” партияси ўз мақсадига миллий маънавиятни юксалтириш орқали эришмоқчи бўлса, ЎзЛиДеП кучли давлатга тизимли ислохотлар орқали эришишни кўзлаганини таъкидлайди.

ЎзЛиДеП масаласига стратегик ёндашгани ҳолда барча жараён оқими ва қамрови, ички ва ташқи омиллар таъсири, шунингдек, яқин, ўрта, узоқ муددатли истиқболни белгилوовчи стратегик режаларни аниқ ва тушунарли баён этган. Жумладан, партия ялпи ички маҳсулот қийматини 2030 йилга бориб, 160 миллиард долларга, аҳоли жон бошига тўғри



келадиган даромадни эса 4 минг долларга етказишни мақсад қилган. Шу тариқа Ўзбекистон дунёнинг даромади ўртачадан юқори бўлган давлатлари қаторига кириши учун асос яратилиши қайд этилади.

Албатта, бунда кейинги йилларда партиянинг мафкуравий қарашларида жиддий ўзгаришлар юз бергани, 2019 йилгача устувор бўлган ва асосан, тадбиркорлар манфаатини ҳимоя қилишга қаратилган мафкурадан аҳолининг кенг қатлами манфаатини ҳимоя этиш партияси сифатида сиёсий майдонда ўнг марказчилиги ўрнига ўтганининг таъсири сезилади.

“Миллий тикланиш” демократик партиясининг консерватив ғоялари сиёсий спектрда партиянинг “ўнг партия” сифатида жой эгаллашини кўрсатади. Партия миллий маданиятимизни, халқимизнинг тарихий анъана ва қадриятларини авайлаб асраш ва бойитишга, миллий тарбияни юксалтиришга алоҳида эътибор қаратади. Ҳар қандай шароитда миллий манфаатларни мurosасиз ҳимоя

Барча партиянинг сайловолди дастурида олдинги дастурлардан кескин фарқ қиладиган жиҳатлар яққол кўринади. Чунки кейинги йилларда жамиятда кўппартиявийлик тизими сезиларли даражада ривожлангани, сиёсий майдонда фикрлар, ғоялар хилма-хиллиги кучайгани партиялар фаолиятида сифат ўзгаришлари рўй беришига олиб келди.



ТУРЛИ МАФКУРА ВА ЯНГИ ҒОЯЛАР РАҚОБАТИ

қилиш, кўп минг йиллик миллий-тарихий тажрибага таяниб иш кўриш, жамиятни ўзга маданиятлар ҳисобига эмас, ўзбек халқининг урф-одат, анъана ва қадриятларига асосланиб ривожлантириш, халқни Ўзбекистон Республикасининг борлиги ҳамда келажагининг тарихий-сиёсий қафолати деб билиш, аждодларимизнинг маънавий мероси ва эътироф этилган умуминсоний қадриятлар негизда миллий тарбияни юксалтириш, инклюзив сиёсатга асосланган ҳолда миллий бирлиكنи мустаҳкамлаш ғояларини илгари суради.

Сиёсий спектрда “ўнг партия” сифатида, жумладан, давлат тили мақомини қучайтириш, миллий ахборот макони ва таълим тизими имкониятларини тўла ишга солиш, ўзбек тилидаги маълумотлар базасини кенгайтириш, миллий бирлиكنи мустаҳкамлаш, барча миллат ва элатларнинг тили, урф-одатлари ва анъаналарини ҳурмат қилиш ҳамда қонун йўли асосида ҳимоя қилиш ғоялари билан бошқа партиялардан кескин ажралиб туради.

Иқтисодий ислохотлар ва турмуш фаровонлигини ошириш

Иқтисодий ҳаётни юксак ривожланган даражага кўтариш масаласига партиялар марказий нукта сифатида қараган. Барча партияда ислохотларни чуқурлаштириш, янги ўсиш нукталарини кўзлашда ўхшашликлар мавжуд. Ўз навбатида, партияларнинг иқтисодий қарашларида конструктив рақобатга, баҳслар, турли талқинларга сабаб бўладиган ўзига хос тақлифлар бор.

Масалан, Либерал-демократик партиянинг иқтисодий стратегияси мамлакатимиздаги иқтисодий сиёсатга мослиги, белгиланган вазифаларни амалга ошириш имкониятлари аниқ ҳисоблангани билан бошқа партиялар дастуридан фарқ қилади. ЎзЛиДеП иқтисодий жараёнларда давлат иштирокини камайтириш ҳамда содда ва адолатли солиқ сиёсати учун ҳаракат қилса, Халқ демократик партиясининг иқтисодий мафкураси сўл ғояларга таянади. ХДП ижтимоий йўнал-

бундай қарашларни ХДП ўз сайловолди дастурида ҳисобга олишга ҳаракат қилган.

“Адолат” социал-демократик партияси ҳам иқтисодий масалаларга сўл қараш нуктаи назаридан ёндашган. Партия яратилган даромадни адолатли тақсимлаш, турли соҳаларда давлат назоратини қучайтириш лозим деб ҳисоблайди. Партиянинг истироҳат боғлари, сайилгоҳларни хусусийлаштиришни тақиқлаш, ноқулай ва самарасиз ерни ишсиз одамларга бўлиб бериш орқали яшил ўрмонлар барпо этиш сингари тақлифлари кўпчиликлка маъқул келиши аниқ. Лекин бундай ўзига хос, жозибдор вазифалар орқали партиянинг асосий мафкуравий мақсадларига эришиш мумкинми? Албатта, сайловолди дастуридан жой олган ҳар бир мақсад, ҳар бир тақлиф ва ғоя, аввало, шу нуктаи назардан баҳоланса, мақсадга мувофиқ бўлади.

Ижтимоий давлат мафкураси

Кейинги йилларда ижтимоий давлат мафкураси мамлакатимиздаги барча сиёсий партиянинг дастурий ҳужжатлари, шунингдек, амалий қарарларида муҳим ўрин эгалламақда. Бунинг асосий сабаби мамлакатимизда ижтимоий давлат ғояларига устувор йўналиш сифатида қаралаётгани билан изоҳланади. Бу аҳоли томонидан ҳам маъқулланаётгани кузатилоқда. Чунки давлатимизда инсон манфаатлари ва



иқтисодий фаолияти натижасида юзага келган даромадни адолатли тақсимлашни таъминлайдиган ҳуқуқий механизмларни ишлаб чиқиш, ҳар бир жабҳада ижтимоий адолатни қарор топтириш, “Тенг имкониятлар ва адолатли жамият сари!” ғоясини изчиллик билан жорий этиш тақлифини илгари суради.

“Адолат” социал-демократик партияси дастурида сўз ва матбуот эркинлиги, ахборот олиш ва тарқатиш ҳуқуқини тўлақонли рўёбга чиқариш, мамлакатимизда фаолият юритаётган ОАВ мустақиллигини таъминлаш, журналист ва блогерлар эркин фаолият юритиши учун шарт-шароитларни янада кенгайтириш, соҳанинг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириб бориш муҳим вазифа сифатида белгиланган.

Журналист ва блогерларнинг қонун доирасидаги фаолиятига бирор-бир мансабдор шахс аралашини ёки уларга босим ўтказишига мутлақо йўл қўйиб бўлмаслиги ғояларини илгари сураб экан, бундай қилмиш учун жавобгарлик белгиланиш тақлиф этган.

Партия дастурида сўз ва матбуот эркинлигини таъминлаш, ахборот олиш ва тарқатиш ҳуқуқини тўлақонли рўёбга чиқариш учун шарт-шароитларни кенгайтиришга алоҳида эътибор қаратилган. Бу йўналишдаги вазифалар бошқа партиялар дастуруларидан кўра яққолроқ ифодасини топган.

Шунингдек, партия томонидан ташқи сиёсатда парламентлараро ҳамкорлик ва партиявий дипломатия имкониятларидан унумли фойдаланиш, илгор хорижий давлатларнинг социал-демократик йўналишдаги сиёсий партиялари билан фаол ҳамкорликни қучайтириш лозимлиги таъкидланган.

Халқ демократик партиясининг асосий ғоялари

Ўзбекистон Халқ демократик партияси, аввало, ижтимоий ҳимоя, ижтимоий адолат тамойилларини юзага чиқариш орқали “Ўзбекистон — ижтимоий давлат” тамойилини ва давлатнинг тегишли ижтимоий мажбуриятларини самарали амалга ошириш каби умуммиллий манфаатлар устуворлигига асосланган мафкурани илгари суради.

Партия ҳар бир инсон учун ижтимоий тенглик ва адолат тамойиллари асосида муносиб яшаш шариити яратиш, ижтимоий тафовутларни камайтириш, муҳтожларга ёрдам бериш, камбағалликни қисқартириш, аҳолини янги иш ўринлари ва кафолатли даромад манбаи билан таъминлаш бўйича самарали сиёсат юритиш ғояларини тарғиб қилади.

Шунингдек, давлатнинг иқтисодиётдаги фаол иштироки, ижтимоий неъматларнинг тенг тақсимои, ишлаб чиқаришда умумий

мулк устуворлигини таъминлашдан иборат ғояларни илгари суради. Шундан келиб чиқиб, ХДП “сўл партия” сифатида аққол намоён бўлади.

Халқ демократик партиясининг давлат бошқаруви соҳасидаги ғояларида ижтимоий тенглик ва халқ ҳокимиятчилигига асосланган очик, шаффоф, халқчил ва демократик давлат бошқаруви тизимини жорий этиш устувор экани кўринади.

Шу билан бир қаторда, ушбу партия фаолиятида ҳам кучли ижтимоий сиёсат юритиш, аҳолининг фаровонлигини ошириш, ижтимоий тафовутларни камайтириш, янги иш ўринлари ва кафолатли даромад манбаларини яратиш, эҳтиёжманд аҳоли қатламларини ижтимоий ҳимоя қилиш сингари йўналишларга катта эътибор қаратилган.

Партия қонун устуворлигини янада мустаҳкамлаш асосида фуқаролар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича суд механизмларининг мақбуллигини таъминлаш, ҳуқуқ, мажбурият ва имкониятлар тенглигига қатъий амал қилиш ғояларини илгари сурган. Бу борада кейинги йилларда партия томонидан илгари сурилатган тақлифлар, яъни судловда халқ маслаҳатчилари ўрнига ҳакамлар ҳайъати институтини жорий этиш, қимматбаҳо мулк учун солиқ (ҳашамат солиғи) солиш сингари тақлифлар катта қизиқиш билан кутиб олинаётгани бораборида аҳолининг турли гуруҳларида қизгин баҳс-мунозараларга сабаб бўлиши аниқ.

Экологизм мафкураси ва ғоялари

Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш, “яшил” иқтисодиётга ўтиш, экологик хавфсизликни сақлаш билан боғлиқ масалалар барча партия дастуруларидан атрофлича ўрин олган.

Шу билан бирга, экологизм ғоялари Ўзбекистон Экологик партияси дастурулари ва партиявий фаолиятида асосий ўрин эгаллашчи табиий. Мамлакат сиёсий майдонидан “сўл” партия мақомида ўрин эгаллаган мазкур партиянинг сайловолди дастурида ҳозир нафақат мамлакатимиз ёки минтақамиз табиий табиий, инсон ва табиат уйғунлиги устувор бўлган барқарор жамият барпо этиш ғоясини илгари суради.

Ўзбекистон Экологик партияси мамлакатнинг барқарор ривожланиши йўлида бўлунги ва келажак авлод учун қулай атроф-муҳит яратиш, хавфсиз ва самарали “яшил” иқтисодиётга ўтиш, инсон ва табиат уйғунлиги устувор бўлган барқарор жамият барпо этиш ғоясини илгари суради.

Партия ўз номига муносиб тарзда мафкуравий жиҳатдан бошқа партиялардан жиддий фарқланади. Илгари сурилатган қулай атроф-муҳитга эга бўлишдан иборат конституциявий ҳуқуқларни рўёбга чиқариш, экологик маданиятни катта қуч, умуммиллий ҳаракатга айлантириш, “яшил тараққиёт”га, соғлом турмуш тарзига эришиш ғоялари кейинги йилларда дунё бўйлаб кенгайиб

бораётган экологизм мафкураси билан ҳамбарчас боғлиқ бўлиб, мамлакатимизнинг миллий манфаатлари билан уйғунлиқда ўз ифодасини топган.

Жумладан, партия минтақадаги барча мамлакат томонидан табиат муҳофазасига доир халқаро келишув-шартномалар тузиш, халқаро экологик меъёрларни ишлаб чиқиш ва уларга риоя этилишини ҳамкорликда назорат қилиш, экология ва атроф-муҳит муҳофазаси йўналишида илмий тадқиқотлар ва турли халқаро анжуманларни мунтазам ўтказиб бориш тарафдори.

Минтақада трансчегаравий сув ресурсларидан фойдаланишда давлатлараро ҳамкорликни ривожлантириш орқали сув ресурсларининг адолатли тақсимланишини таъминлаш, қўшни давлатлар билан энергия захираларини яратиш, фавқулодда ҳолатларда энергия ресурсларини ўзаро алмашиш тизимини жорий қилиш масалалари ҳам партиянинг сайловолди дастурида асосий ўрин эгаллайди.

Партиянинг бу ғоялари Ўзбекистон Либерал-демократик партиясининг экология йўналишидаги айрим вазифа ва тақлифлари билан уйғунлигини кўриш мумкин. Кейинги йилларда мамлакатимизда экология масаласида концептуал фикр ва қарашлар тизими шаклланиб бормоқда. Давлатимиз олдида турган стратегик вазифаларни ҳал қилиш, экологик хавфсизликни таъминлаш жабҳасида Ўзбекистон Экологик партияси ва ЎзЛиДеП ўртасида яқин ҳамкорлик йўлга қўйилиши мумкин.

Ўзбекистон Экологик партиясининг муҳим ташаббуслари сифатида 2030 йилга қадар иссиқхона гази эмиссиясини 65 фоиз қисқартириш, экологик мониторинг юритиш ва атроф-муҳитга таъсирни баҳолашда сунъий интеллект технологияларидан фойдаланиш, энергия балансида қайта тикланидиган энергия манбалари улушини камида икки баробар ошириш сингари вазифаларни кўрсатиш мумкин.

Сиёсий партияларнинг сайловолди дастуридаги мафкура ва ғоялар таҳлили уларнинг тизимлилиги, миллий манфаатларга мослиги, илгари сурилган тақлиф ва ташаббуслар жамият бирлигини таъминлашга қаратилгани нуктаи назардан Ўзбекистон Либерал-демократик партияси дастури алоҳида ажралиб туради.

Миллий ва тарихий қадриятлар, урф-одатларни авайлаб асраш, миллий маданиятни юксалтириш, миллий давлатчилигини мустаҳкамлаш, давлат тили мақомини қучайтиришга оид йўналишларда “Миллий тикланиш” демократик партияси ғоялари алоҳида устуникка эга.

Халқ демократик партияси ва “Адолат” социал-демократик партиясининг ижтимоий-сиёсий ҳаёт, иқтисодиётда давлатнинг фаол иштирокини сақлаб қолиш ва қучайтириш, кучли ижтимоий сиёсат юритиш сингари ғоялари аҳолининг муайян қисми учун жозибдорлигини сақлаб келмоқда.

Атроф-муҳитни авайлаб асраш, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш, қайта тикланувчи энергия манбаларини ривожлантириш соҳасидаги экологик муаммолар барча учун тушунарли ва муҳим. Бу Ўзбекистон Экологик партиясининг ўз сайловчилари сафини кенгайтириш, сайловларда самарали қатнашиш учун яхши имкониятларга эга эканини кўрсатади.

Барча партиянинг сайловолди дастурида олдинги дастурлардан кескин фарқ қиладиган жиҳатлар яққол кўринади. Чунки кейинги йилларда жамиятда кўппартиявийлик тизими сезиларли даражада ривожлангани, сиёсий майдонда фикрлар, ғоялар хилма-хиллиги қучайгани партиялар фаолиятида сифат ўзгаришлари рўй беришига олиб келди.

Бундай ўзгаришларнинг партиялар томонидан ҳисобга олиниши ва сайловолди дастуруларида акс этиши ижобий ҳолат улароқ сайловларнинг партиялар ўртасида соғлом рақобат муҳитига, турли мафкуравий қарашлар ва ғоялар кураши асосида ўтишига хизмат қилади.

Саломатлик — эл бойлиги

Фарзанднинг гўрт мучаси соғ бўлиб дунёга келиши оилаларнинг бахти ва тўқислиги, бағри бутунлиги демакдир. Бундай расо ўғил-қизларни эса ҳар жиҳатдан соғлом оналар дунёга келтиради. Сиёсий, иқтисодий, ижтимоий, маънавий омиллар каторида оиланинг тиббий маданияти, аёл саломатлигига муносабати муҳим ўрин тутади.



Рисолат МАДИЕВА,
“Янги Ўзбекистон” муҳбири

Ўзбек қадриятларида бу борада жуда яхши асослар бор. Азалдан бувиларимиз фарзанд кутаётган аёлнинг тўлақонли овқат-ланганига эътибор қаратган. “Ҳомиладор аёл кўнгли тусанган егуликни емаса, боланинг бурни пучуқ бўлади” деган халқона ўғитлар бежиз айтилмаган. Чунки истеъмол қилинаётган озиқ-овқатнинг дармондориларига бойлиги, миқдори, ўз вақтида ва муайян меъёردа овқатланиши ҳомила ривожига таъсир кўрсатиши ёши улуг инсонларга ҳаётий тажрибалардан маълум бўлган. Шунингдек, улар аёлларни жисмоний юкламадан озод қилган, вақтида дам олишига имкон берган.

Шифокорларнинг таъкидлашича, витамин, микроэлемент, оқсил ва ёғлар тақчиллиги боланинг нимжон ва касалманд туғилишига сабаб бўлиши мумкин. Айниқса, боланинг аклий ривожланиши борасида бой берилган имкониятлар тикланмайдми. Бола улгайгандан сўнг пайдо бўладиган ва наслдан наслга ўтадиган асоратлар ҳам айнан шу сабаб билан юзага келиши эҳтимоли йўқ эмас. Фарзанд саломатлигига она ҳомиладорлиги пайтидан бошлаб эътибор қаратиш зарурлиги илмий изланишларда ўз исботини топган.

Оналик ва болаликни тизимли равишда муҳофаза қилиш, оналар ва гўдаклар ўлимнинг қайтарилишига эришиш бугуннинг муҳим вазифаси. Зеро, ҳомиладорлик даврининг яхши кечиши, она ва бола саломатлиги нафақат ҳар бир оила, балки жамият учун ҳам муҳим.

“Ўзбекистон — 2030” стратегиясини “Ёшлар ва бизнесни қўллаб-қувватлаш йили”да амалга оширишга оид давлат дастурида фертил ёшдаги ва ҳомиладор аёллар ҳамда болаларга 7 турдаги витамин, йод ва фоллий кислотасини бепул тарқатиш ишлари самарадорлигини ошириш, темир ва фоллий кислотаси билан 100 фойз таъминлаш вазифаси белгиланган. Жумладан, ҳомиладор 1 миллион ва эмизикли 1,5 миллион аёлни йод препарати билан, фертил ёшдаги (35 ёшгача) 5,9 миллион аёлни темир ва фоллий кислотаси препарати билан бепул таъминлаш кўзда тутилган.

— Бугун Ўзбекистонда фарзанд кутаётган аёллар сони 900 мингдан зиёди ташкил этади. Бу бир йилда 900 мингдан ортқ қақалоқ дунёга келишини англатади, — дейди соғлиқни сақлаш вазир ўринбосари Элмира Боситхонова. — Ҳомиладор аёл организм витамин, минерал ва микроэлементларга эҳтиёж сезиши табиий. Вужудга ўсаётган бола керакли озуқа билан таъминланиши ва онанинг ҳомиладорлиги меъёрида давом этиши учун ана шу эҳтиёж қотиририлиши керак. Бу микроэлементларни сотиб олишга имконияти етарли бўлмаган аҳоли давлат томонидан бепул таъминланади. 2022-2023 йилларда туғиш ёшдаги аёллар темир ва фоллий кислотаси препарати билан бепул 100 фойз таъминланди. Бу жараён бугун ҳам давом этмоқда.

Конференция

Сурхондарё заминидан ислом илми ва маданияти ривожига улкан ҳисса қўшган буюк муҳаддислар, мутасаввуфлар, ижодкорлар етишиб чиққан. Ислон илмлари тараққий этишида, айниқса, Термиз шаҳри алоҳида ўринга эга бўлган. Бу диёрдан Термизий тахаллуси билан ижод қилган 200 дан зиёд аллома етишиб чиққани фикримизга далилдир. Улар ҳадис, фикҳ, тилшунослик, шеърят, тарих ва тасаввуф каби йўналишларда асарлар яратган. Чунончи, Ҳаким Термизийнинг илмий қарашлари мусулмон оламида ҳозирги кунда ҳам юксак эътирофларга созвор бўлаётган бўлса, Имом Термизий ҳадис илмидаги ноёб асарлардан ҳисобланган “Сунани Термизий” оркали илм-фан ривожига бебаҳо ҳисса қўшди.



Муқаддас ислом дини ривожига бекиёс ҳисса қўшган, ҳадис илми даргаларидан бири, буюк ватандошимиз Имом Термизийнинг улкан илмий меросини

Бугун мамлакатимизда она ва бола саломатлигига катта эътибор қаратилляпти. Ҳомиладор аёллар ҳолати доимий мониторинг қилиб борилмоқда, хавф омиллари аниқланганда даволаш чоралари кўриляпти. Репродуктив ёшдаги аҳоли ва ҳомиладор аёллар ўртасида тиббий маданият, касалликлар профилактикаси ва соғлом оилани режалаштириш бўйича тарғибот ишлари олиб борилаётир.

Шифокорларнинг таъкидлашича, темир танқислиги чарқоқ, заифлик ва бошқа асоратларга олиб келиши, боланинг эрта ва кам вазнли бўлиб туғилиши хавфини ошириши мумкин. Гемоглобин таркибидagi темир моддаси нафақат онанинг, балки боланинг барча аъзоларини кислород билан таъминлайди. Шунинг учун темир танқислиги туфайли ҳомилада кислород етишмовчилиги юзага келади. Бу эса, ўз ўрнида, эрта ва ўлик туғилиш хавфини ортиради.

Темир миқдори камлиги иммунитет тизимининг заифлашишига, натижада инфекциялар ривожланиши ва жароҳатларни даволаш секинлашишига таъсир этади.

Фоллий кислотаси эса асаб тизими ривожланиши учун жуда зарур. Унинг етишмаслиги ҳомила асаб найчасида нуқсон пайдо бўлишига олиб келиши мумкин. Фоллий кислотаси истеъмоли янги туғилган чақалоқларда асаб найчалари нуқсонли хавфини 75 фойз қамайтиради. Нерв чурраси мавжуд болаларнинг онаси текширилганда фоллий кислотаси етишмовчилиги кузатишган. Бу модда ҳомила тўқималарининг шаклланиши, она ҳужайраларининг янгилашиши ва тикланиши учун даркор.

— Йод ҳаёт учун зарур элементлар орасида муҳим ўрин тутади, — дейди эндокринолог Нигора Норбекова. — Она учун ҳам,



СОҒЛОМ ФАРЗАНД ДУНЁГА КЕЛТИРИШ — ҲАР БИР ОНАНИНГ ОРЗУСИ

БУНИНГ УЧУН ЎЗИ ҲАМ СОЛОМАТ БЎЛИШИ ЛОЗИМ

Ҳомиладор учун дармондори муҳимми?

Аёл ҳомиладорлик даврида организмдаги микроэлемент ва дармондориларнинг 10-15 фоизини туғилажак фарзандига беради. У туғуруқдан кейин саломатлигини тиклаши, кейинги фарзандини дунёга келтириш учун етарли қувватга эга бўлиши лозим. Қолаверса, ҳеч ким ҳаёт таъшишларидан холи эмас. Уй юмушлари, фарзанд тарбияси, ўқиш, меҳнат фаолиятини риволандириш юритиш аёлдан руҳан ва жисмонан соғлом бўлиши талаб этади. Шу боис, шифокорлар туғуруқлар орасидаги муддат камийда уч йил бўлишини тавсия қилади. Зеро, бу давр туғуруқдан кейин она саломатлигини тўла тиклаб олиши учун зарур бўлган муҳлатдир. Аёл ҳомиладорлик пайтида истеъмол қилган озиқ моддалар кейинги саломатлиги, тана тизимининг меъёрида ишлашини таъминлаш учун жуда муҳим.

— Витамин ва микроэлементлар озиқ-овқат маҳсулотларининг сўрилиши, ички аъзоларнинг меъёрий ишлаши учун жавобгар, тананинг ўсиши, мослашиши ва ривожланишига таъсир кўрсатади, — дейди Республика ихтисослаштирилган она ва бола саломатлиги илмий-амалий тиббиёт маркази директори ўринбосари, акушер-гинеколог Юлдуз Эшоновна. — Ҳомиладор аёлнинг ногўйри овқатланиши ва патологияси бор боланинг туғилиши ўртасида боғлиқлик борлиги исботланган. Сифатсиз ва зарарли озиқ-овқат ҳомиланing туғри ривожланишига халал бериши мумкин. Аёл организмда витамин, микроэлементлар танқислиги чақалоқнинг туғма нуқсон билан дунёга келишига сабаб бўлади. Масалан, дастлабки уч ойликда микроэлементларнинг сезиларли етишмаслиги бола ўлимга олиб келиши, иккинчи ва учинчи уч ойликларда озуқа моддалари етишмаслиги туфайли органларнинг ногўйри шаклланиши, юрак-қон томир тизимидаги бузилишлар, шунингдек, овқат ҳазм қилиш, эндокрин ва асаб тизимидаги патологияга сабаб бўлиши эҳтимоли бор. Фарзанд кутаётган аёл вужуди кўпроқ минерал ва витаминларга муҳтож. Чунки организм жуда кўп қувват сарфлайди ва маҳсулотлардан келадиган озуқа моддаси чақалоқнинг ривожланишига кетади. Шундай қилиб, кальцийга эҳтиёж бир ярим баробар ортади. Баъзи минераллар, масалан, фоллий кислотаси, темир дозасини 80 фойз ошириш керак. Темир, биринчи навбатда, камқонликнинг олдини олиш учун зарур.

ҳомила учун ҳам йод керак. Қалқонсимон без гормонлари марказий асаб тизимини ва туғилмаган боланинг скелетини шакллантириш учун зарур.

Дунё бўйлаб ақлий заифлик, буқоқ касалликлари айнан йод танқислиги билан боғлиқ. Иодни мунтазам ичиш лозим.

“Келиним бўр ейди”

Саодат опа келинининг ҳолатидан хавотирлана бошлади. Тўнгич фарзандига оғир-оёқ эканида ўзининг ҳам бошдан ўтган, сўнг қизда ҳам бу муаммо билан тўқнаш келган, бироқ озуқа чўзилмаган эди. Келинининг ҳомиладорлиги маълум бўлди-ю, кўнгли бўр тусай бошлади. Кайнона “Ҳомиладор



аёлларда бу табиий ҳолат-да, ҳамманинг ҳам бошдан ўтади”, деб ўзини юпатади, бироқ бўлмади, эртасига келинини олиб, шифокор қабулига жўнади. Хавотир олганча бор экан, шифокор бўлажак она организмда витамин ва микроэлементлар етишмаслигини, даволаниши зарурлигини таъкидлади.

Ҳомиладорлик пайтида аёл организмда айрим витамин ва микроэлемент етишмаслиги табиий. Шундан пайтларда аёллар ҳатто бўр ёки тупроқни қириб ейишга ҳаракат қилган пайтларига ҳам гувоҳ бўлганмиз.

— Ҳомиладор аёлнинг овқатланиш ода-ти гормонал ўзгариш туфайли ўзгаради: у зарур.

аччиқ ва шўр егулик, ширинликлар, мос келмайдиган маҳсулотларни аралаштириб ейишни қаттиқ хоҳлайди, — дейди Республика ихтисослаштирилган она ва бола саломатлиги илмий-амалий тиббиёт маркази акушер-гинеколог Ҳилола Жамоллидинова. — Организмда зарур микроэлементлар етишмаслиги ёки яхши сўрилмаслиги туфайли ҳомиладор аёлларда тупроқ, бўр, совун, муз, янги хамир, баъзан хом гўшт ёки балиқ истеъмол қилиш истаги юзага келади. Ейилмайдиган моддаларга интилиш ҳолатлари учрайди. Бу таъм бузилиши, тез чарчаш, мушаклар кучсизлиги, тери ва тирноқдаги ўзгаришлар фониди ривожланади. Кальций ва рух етишмаслигида эса бемор бўр ва совун ейишни хоҳлайди. Баъзида рух танқислиги

сабавотлар экилар, бетакрор таъми ва тўйимлиги туфайли сўйиб истеъмол қилинади. Бу анъана ҳозир ҳам давом этапти. Аммо бугун озиқ-овқат маҳсулотларида микроэлементлар улуши камлиги қулоққа бот-бот чалинади. Бозор ва дўкон расталарида генетик ўзгартirilган, қаттиқ ўзаги бор помидор, пўсти қалин пластмасса каби олмани деярли ҳар кун учратамиз. Улар ҳар қандай шароитда яхши сақланади, қўрилиши чиройли, аммо фойдаси кам, саломатликка салбий таъсир кўрсатади. Бу ҳам бугун ҳомиладор аёлларда учраётган камқонлик ва бошқа турдаги витамин етишмовчиликлари нафақат озиқ моддалари билан тўлдириб бўлмастгига бир сабабдир.

Шундай мураккаб паллада инсон ўз саломатлигига ҳар қачонгидан кўра эътибори муносабатда бўлиши талаб этилади. Айниқса, ҳомиладор аёллар. Туғуруқ жараёни оғир кечиши, фарзанд туғма нуқсон билан дунёга келишининг олдини олишда шифокорлар тавсия этаётган микроэлементларнинг ўрни алоҳида. Бу дармондорилар кўп жиҳатдан жараённинг меъёрида кечиши, ҳомиланing тўлиқ ривожланиб бориши ва туғилажак боланинг саломатлигини белгиллаб беради.

Аммо ўз саломатлигига бефарқ, тиббий саводхонлиги етарли бўлмаган опа-сингилларимиз бу препаратларни истеъмол қилишдан бош тортиши ёки ташлаб юбориши ҳолатлари ҳам учраётир.

— Хизмат сафарига бўлган чоғимизда шундай ҳолатларга ҳам дуч келдик, — дейди акушер-гинеколог Юлдуз Эшоновна. — Аҳоли ўртасида “бу дорилар келажакда фарзанд кўрмаслик учун” ёки “ҳомилага салбий таъсир кўрсатиш учун берилмоқда” деган фикрлар учради. Биз туғиш ёшдаги аёлларга ушбу препаратлар нечоғлиқ зарурлиги ҳақида тушунтириш ва тарғибот ишлари олиб бордик ва уларнинг фикрини ижобий томонга ўзгартирмоқдамиз.

Вазифалар бисёр

Жорий йилда 8,5 минг болалар ҳамшираси ва доя (акушер) иш бошлади. Улар оналарга болаларнинг соғлом бўлиб дунёга келишидан тортиб, вояга етгунга қадар тўғри парварилашни ўргатади. Ҳар бир ҳомиладорликни эрта аниқлаш, қамраб олиш, фарзанд кутаётган аёлнинг турмуш тарзи, зарур текширувлардан



ўтиши, у истеъмол қилиши керак бўлган дори-дармон назорати патронаж ҳамширалар зиммасида.

— Саккиз ярим минг ҳамшира ва доянинг ҳар бирига ҳомиладор аёллар билан ишлаш тартиби ўргатилди, — дейди Элмира Боситхонова. — Доя оғир юклама ёки ортқча вазн, носоғлом овқатланиш, зарур микроэлемент ва витаминларни қабул қилмаслик қандай оғир асоратларга олиб келиши ҳақида тушунтириш ишларини олиб боради. Аёлнинг саломатлиги билан бирга тиббий маданияти, вужудига муносабати назорат қилиб борилади.

2024 йил 5 февралда давлатимиз раҳбари раислигида ижтимоий соҳалардаги устувор вазифалар муҳокамаси юзасидан ўтказилган видеоселектор йиғилишида оналар ва гўдаклар ўлимнинг олдини олиш масалаларига алоҳида тўхталиб ўтилган. Йиғилишда Президентимиз ҳар бир она ва бола ўлимига “фавқулодда ҳолат” деб қараш кераклигини таъкидлади. Туғуруқхоналари замонавий ускуналар билан жиҳозлаш, ҳомиладор ва туғуруқ ёшдаги аёллар саломатлигини мустаҳкамлаш, доя ва ҳамшираларни қўшимча ўқитиш бўйича топшириқлар берилди.

Бугун мамлакатимизда она ва бола саломатлигига катта эътибор қаратилляпти. Ҳомиладор аёллар ҳолати доимий мониторинг қилиб борилмоқда, хавф омиллари аниқланганда даволаш чоралари кўриляпти. Репродуктив ёшдаги аҳоли ва ҳомиладор аёллар ўртасида тиббий маданият, касалликлар профилактикаси ва соғлом оилани режалаштириш бўйича тарғибот ишлари олиб борилаётир. Айниқса, фарзанднинг ҳар жиҳатдан соғлом туғилиши ва она саломатлигини асрашда барча имконият ишга солиняпти. Жумладан, бўлажак оналарнинг витамин ва микроэлементлар билан таъминлаш келгусида жамият учун етук фарзандларнинг қамоли йўлида қилинаётган хайрли ишларга бир мисолдир.

ТЕРМИЗИЙЛАР МЕРОСИ ҲАҚОН ОЛИМЛАРИ НИГОҲИДА

қадриятларимизни сақлаш ва улуғлаш, ёш авлоднинг руҳий ва маънавий олами бойитиш, иймон-этиқодини мустаҳкамлаш, уларнинг қалбиди ватанга муҳаббат ва садоқат туйғусини янада кучайтириш бугунги кундаги долзарб масалалардан ҳисобланади.

Ислон динининг асл мазмун-моҳиятини кўрсатиб беришда, динлараро ва миллатлараро бағрикенглик, дўстлик, ижтимоий ҳамкорлик, ўзаро ҳурмат ва ҳамфикрлик қадриятларини, ислом тамаддунига бебаҳо ҳисса қўшган Имом Термизийнинг илмий-маънавий меросини ёшлар орасида кенг тарғиб қилишда Имом Термизий халқаро илмий-тадқиқот маркази асосий таянч даргоҳга айланиб бормоқда.

Марказда ўтган қисқа фурсат ичида Имом Термизийнинг бағрикенглик, тинчлик ва муътадиллик ғояларини ўзига жамлаган бебаҳо асарларини таржима ва таҳқиқ қилиш, кенг халқ оммаси учун мўлжалланган рисоалар тайёрлаш борасида салмоқли ишлар бажарилди.

Имом Термизий меросини ўрганишда Президентимизнинг “Имом Термизий тавааллудининг 1200 йиллигини кенг нишонлаш тўғрисида”ги қарори муҳим

тарихий аҳамиятга эга бўлди. Ушбу қарор асосида Дин ишлари бўйича қўмита, Сурхондарё вилояти ҳокимлиги, Имом Термизий халқаро илмий-тадқиқот маркази, Термиз давлат университети ва Ўзбекистон халқаро ислом академияси ҳамкорлигида “Термизий алломаларининг илмий-маънавий мероси: ўтмиш ва бугун” мавзусида республика илмий-амалий конференцияси ўтказилди.

Тадбирда мамлакатимизнинг қатор таниқли олим ва тадқиқотчилари иштирок этди. Термизда бу каби анжуманини ўтказишдан асосий мақсад дунё илмий жамоатчилигини юртимизда диний-маърифий соҳада кечаётган кенг қўламли ислохотлар билан яқиндан таништириш, зиёрат туризми борасидаги улкан имкониятларини намойиш қилиш, Имом Термизий, Ҳаким Термизий ва бошқа улуг аждодларимизнинг ҳадис, тафсири, фикҳ, фалсафа каби илмлар ривожига қўшган ҳиссаси борасида ўзаро тажриба алмашишдан иборат.

Шунингдек, конференцияда “Ҳожа Абдуллоҳ Ансорийнинг “Табақотус суфий” асарида Варроқ Термизий зикри”, “Ҳаким Термизийнинг “Ал аслом минал китоб вас сунна” асари — муҳим манба”,

“Ҳаким Термизий ҳаётини ўрганишда “Будв шаън” асари муҳим автобиографик манба”, “Муҳаммад Ҳаким Термизийнинг ислом манбалари шарҳига оид асарлари”, “Ҳаким Термизийнинг фалсафий қарашлари” мавзусидаги маърузалар тингланди.

Тадбирда Имом Термизийнинг “Сунан” асарининг ҳанафийлик йўналишидаги ўн жилдли шарҳи ўзбек тилига изоҳли академик таржима қилиниши, айни вақтда дастлабки беш жилди нашр этилгани таъкидланди.

Умуман олганда, бугунги кунда термизий алломаларнинг дурдона асарларини халқимизнинг маънавий мулкига айлантириш, уларни ўрганишга қаратилган конференция ва илмий анжуманларнинг сон ва сифатини ошириш ёш авлоднинг турли адашган оқимлар таъсирига тушиб қолиши олдини олишга, жамиятда бағрикенглик, тинчликсеварлик ва биродарлик ғоялари қарор топишида муҳим маънавий асос вазифасини бажаради.

Сарвар САИДОВ,
Имом Термизий халқаро
илмий-тадқиқот маркази
бўлим бошлиғи

6

МЕЗОН

2024 йил 20 сентябрь, 192-сон

Мулоҳаза

Тарихдан маълумки, бир элни бўйсундириш учун унинг тарихини, яшаш тарзини, маданияти, тили ва динини унуттириб, фақат тирикчилик ташвишига кўмиб қўйиш мақсад қилинади. Олдинги даврларда бу жараён қуроқ-яроғ ва қон тўкишлар билан амалга оширилган бўлса, бугунги тараққиёт асрида мафқуравий тус олган. Бу инсонни онгсизлик олдига тиз чўктириш, уни фикрлашдан тўхтатиб, енгил-елпилик ва эркисизлик қаршисида бўйин эгиш ҳолатлари орқали содир бўлаётир. Бунинг таъсир кучи ижтимоий тармоқлар ва экран орти “мўъжизалари” орқали синдирилаётгани сир бўлмай қолди.

Миллий руҳ кўрғони

бугунги шуҳрат учун эмас, эртанги шараф учун курашиш шарт

Маънавий тирикликнинг ўзаги

Қадимдан қолган фикр бор: “Искандар замони бўлса ҳам пирсиз юрма”. Яъни ҳар бир инсонда маънавий раҳнамо бўлиши керак. Албатта, қомиллик сари ташланган ҳар қандай жойда маънавий раҳнамоларга эҳтиёж сезилади. Ижтимоий тенгликка ва ҳамфикрликка қурилган жамиятларда зиёли қатлам вакиллари ёхуд улар яратган маҳсулотлар бу вазифани бажармоқда. Бунда, айниқса, кино санъатининг ўрни алоҳида.

Бир вақтлар кино санъати маданий алмашинувлар, умумбашарий саволларга жавоб топиш, энг муҳими, фикрлашга ундаган. Ўзбек киноси олтин сандигида ҳам дунё медиа бозоридаги энг яхши кинолар билан тенглаша оладиган, саноат учун эмас, балки санъатга хизмат қиладиганлари кўп. “Сен етим эмассан”, “Шум бола”, “Ўткан кунлар”, “Ватан”, “Дев билан пакана”, “Чанторморе”, “Нариги соҳилда қолган болалик”, “Маҳаллада дув-дув гап”, “Абдуллажон”, “Тошкент — нон шаҳри”, “Танка” ва яна бир қанча киноларни қайта-қайта кўриб, гоҳ кулгинг келса, гоҳида ўйлашга мажбур қилади. Улар чуқур тарихий илдизга эга бўлган ўзбек халқининг кўйма характери, қадрият ва урф-одатларга содиқлиги, энг муҳими, бу қаҳрамонларнинг ҳеч бир ўзбек хонадонига бегона эмаслиги билан аҳамиятли.

Яқинда ижтимоий тармоқдаги қўйидаги постга кўзим тушди: “Қўзим” сериалида онаси ўғлининг ёнига келиб: “Сени чиройли қилиб туққанимнинг боиси, сенга бошқоронги бўлган давримда дадангнинг ўзимга умуман, яқинлаштирмаганман. Нуқул ҳинд актёрларини кўз олдимга келтириб юрганман. Шунинг учун ҳам роса чиройли, келишган йиғит бўлиб тугилгансан, ўғилм!”.

Бу эпизодни кўриб, миллат оналарини кўз олднгизга келтирдигизми? Йўқ, албатта! Қайси ўзбек аёли, онаси боласига шундай гапни айтади?!

Кенг жамоатчилик орасида, ижтимоий тармоқларда муҳокамаларга сабаб бўлаётган, танқидий фикрлар бўлишига қарамай, ҳали-ҳамон давомийлиги узилаётган баъзи киноларга қараб ичинг музлайди: “Хотинчалиш қайнука”, “Қўндош”, “Хотиннинг зўр нарса эди”, “Душман”, “Хотинбоз”, “Аёлим фоҳишам?”, “Бева аёлнинг кирдикорлари”, “Синглисининг эрини севган опа”, “Хиёнаткор”, “Қўндошлик азоби”, “Зўрланган қиз”, “Хиёнатда қўлга тушган келин”, “Бир уйда икки хотин билан яшаган одам”, “Ахлатга айланган қисмат”, “Дугонамнинг эри”, “Эримдан шубҳаланяпман”, “18 ёшли жазман”, “Эрини заҳарлаган аёл”...

Миллатнинг асосий мезони унинг миллий руҳи ва ғуруридир. Агар жамият бу тушунчалардан узоқлашса, ўз-ўзидан эргашувчанлик, фикрсизлик ва бошбошдоқлик бошланади.

www.yuz.uz yuz.uznews yuz_official yuz.uz_news yuz

Эътироф

Олтириқ тумани Зилха қишлоғидаги Сўфизода кўчасида жойлашган 8-хонадондан одамларнинг оёғи узилмайди. Боиси, бу уйда умргузаронлик қилаётган Шаҳри мома кўпнинг назари, эътибори ва иззатида. Кўни-кўшни, маҳалла-қўй, қавму қариндош онахонни йўқлаб, бир дам бўлса-да, дийдорлашиб, дуо олиш учун келади. Айниқса, шу кунларда йўқловлар янада кўпайган. Бу бежиз эмас.

Фараҳбахш кунлар ёғдуси қанча одамга армон бўлди

109 ёшли момонинг ҳаёт йўли

бугунги шуҳрат учун эмас, эртанги шараф учун курашиш шарт

Маънавий тирикликнинг ўзаги

Қадимдан қолган фикр бор: “Искандар замони бўлса ҳам пирсиз юрма”. Яъни ҳар бир инсонда маънавий раҳнамо бўлиши керак. Албатта, қомиллик сари ташланган ҳар қандай жойда маънавий раҳнамоларга эҳтиёж сезилади. Ижтимоий тенгликка ва ҳамфикрликка қурилган жамиятларда зиёли қатлам вакиллари ёхуд улар яратган маҳсулотлар бу вазифани бажармоқда. Бунда, айниқса, кино санъатининг ўрни алоҳида.

Бир вақтлар кино санъати маданий алмашинувлар, умумбашарий саволларга жавоб топиш, энг муҳими, фикрлашга ундаган. Ўзбек киноси олтин сандигида ҳам дунё медиа бозоридаги энг яхши кинолар билан тенглаша оладиган, саноат учун эмас, балки санъатга хизмат қиладиганлари кўп. “Сен етим эмассан”, “Шум бола”, “Ўткан кунлар”, “Ватан”, “Дев билан пакана”, “Чанторморе”, “Нариги соҳилда қолган болалик”, “Маҳаллада дув-дув гап”, “Абдуллажон”, “Тошкент — нон шаҳри”, “Танка” ва яна бир қанча киноларни қайта-қайта кўриб, гоҳ кулгинг келса, гоҳида ўйлашга мажбур қилади. Улар чуқур тарихий илдизга эга бўлган ўзбек халқининг кўйма характери, қадрият ва урф-одатларга содиқлиги, энг муҳими, бу қаҳрамонларнинг ҳеч бир ўзбек хонадонига бегона эмаслиги билан аҳамиятли.

Яқинда ижтимоий тармоқдаги қўйидаги постга кўзим тушди: “Қўзим” сериалида онаси ўғлининг ёнига келиб: “Сени чиройли қилиб туққанимнинг боиси, сенга бошқоронги бўлган давримда дадангнинг ўзимга умуман, яқинлаштирмаганман. Нуқул ҳинд актёрларини кўз олдимга келтириб юрганман. Шунинг учун ҳам роса чиройли, келишган йиғит бўлиб тугилгансан, ўғилм!”.

Бу эпизодни кўриб, миллат оналарини кўз олднгизга келтирдигизми? Йўқ, албатта! Қайси ўзбек аёли, онаси боласига шундай гапни айтади?!

Кенг жамоатчилик орасида, ижтимоий тармоқларда муҳокамаларга сабаб бўлаётган, танқидий фикрлар бўлишига қарамай, ҳали-ҳамон давомийлиги узилаётган баъзи киноларга қараб ичинг музлайди: “Хотинчалиш қайнука”, “Қўндош”, “Хотиннинг зўр нарса эди”, “Душман”, “Хотинбоз”, “Аёлим фоҳишам?”, “Бева аёлнинг кирдикорлари”, “Синглисининг эрини севган опа”, “Хиёнаткор”, “Қўндошлик азоби”, “Зўрланган қиз”, “Хиёнатда қўлга тушган келин”, “Бир уйда икки хотин билан яшаган одам”, “Ахлатга айланган қисмат”, “Дугонамнинг эри”, “Эримдан шубҳаланяпман”, “18 ёшли жазман”, “Эрини заҳарлаган аёл”...



“Янги Ўзбекистон” ва “Правда Востока” газеталари таҳририяти” ДМ

МУАССИС:
Ўзбекистон Республикаси
Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир:
Салим ДОНИЁРОВ

Қабулхона: (71) 233-56-33 Девонхона ва эълонлар: (71) 233-70-98

Таҳририятга келган қўлхатлар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди. Газетанинг етказиб берилиши учун обуюни расмийлаштирган таъкилот жавобгар.

Газета таҳририят компьютер марказида сақифаланди. Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “Колограк” МЧЖ масъул.

Сардор ТОЛИБОВЕВ,
“Янги Ўзбекистон” муҳбири

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2020 йил 13 январда 1047-рақам билан рўйхатга олинган.

Нашр индекси — 236. Буюртма — 3251. 41369 нусхада босилди.

Ҳажми — 3 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А2. Баҳоси келишилган нархда.

“Колограк” МЧЖ босмахонасида чоп этилди. Босмахона манзили: Ўзбекистон, 100060. Тошкент, Янги шаҳар кўчаси, 1-А уй. Босмахона телефони: (78) 129-29-29

Навбатчи муҳаррир: Гуличеҳра Дурдиева
Мусаҳҳих: Шерзод Маҳмудов
Дизайнер: Зафар Рўзиев

Манзилими:
100060, Тошкент шаҳри,
Шаҳрисабз кўчаси, 85-уй

ЎЗА якуни — 22:38 Топширилди — 00:05